

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2011 йил 29 ноябрь • сешанба № 50-51 (777-778)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz www.minjust.uz

“Обуна — 2012”



Қонунан ҳимоя қилинган Инсон
Инсондай яшай олади!

“Инсон ва қонун”: индекс — 137

Тизим Адбирлари

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА “Конституция — ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати” мавзусида ўтказилган илмий-амалий семинарда Конституциямиз қабул қилинган кундан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари борасида амалга оширилган ислохотлар самараси хусусида сўз борди.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ семинарда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий ҳўжалик суди, Бош прокуратураси, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Республика Ҳарбий суди, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мехрибон АББОСОВА,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Коррупцияни бартараф этиш

Жаҳон ҳамжамияти

этиборидаги муҳим масала

БУ БОРАДА БМТнинг коррупцияга қарши Конвенцияси бир қатор давлатлар қўшилганда ҳам аққол намоён бўлади. Мамлакатимизда 2008 йил 19 июлда “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши Конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонун амалга киритилган.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА шу мавзуга доир ўтказилган учрашувда БМТнинг Марказий Осиёдаги бошқармаси “Наркотик ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича дастури” вакили Камола Ибрагимова мазкур Конвенциянинг мазмун-моҳияти, асосий йўналишлари ҳақида батафсил фикр юритди. Тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқармаси прокурори Дурбек Тўрахонов республикада коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар хусусида сўзлаб берди.

Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот
ва ҳуқуқий таълим бошқармаси

Навбатдаги анжуман

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ташаббуси билан Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон шаҳри ва Нарпай тумани, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Фаллазор туманларида ҳамда Гулистон шаҳрида, шунингдек, Тошкент иқтисодий ва бизнес коллежидида “Конституция — ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатидир” мавзусида навбатдаги тарғибот тадбирлари ўтказилди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҳузурида тузилган ҳуқуқий тарғибот гуруҳи аъзолари ушбу туманлардаги 2000 нафарга яқин ёшлар билан учрашиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги ролига алоҳида этибор қаратишди.

Шунингдек, учрашувларда Президентимизнинг “Ўзбекистон мустақиллигига эришиш оstonасида” деб номланган янги китобининг мазмун-моҳияти ҳақида ҳам батафсил сўз юритилди. Жумладан, ёшларнинг мазкур китобдан ўрин олган давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимиз мустақиллиги арасида ва мустақиллигининг дастлабки даврида олиб борган жўшқин ва серкирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини акс эттирадиган маъруза ва нутқлари борасидаги билимлари янада мустаҳкамланди.

Тадбирлар давомида Адлия вазирлиги томонидан яратилган фильмлар намойиши йилланларда катта таассурот қолдирди. Хусусан, “Мен буюк ва муқаддас Ватан фарзандиман” деб номланган фильм ёшларнинг ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини янада оширди.

Ташкилотчилар фикрига кўра, навбатдаги тадбирлар Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятларининг олис туманларида бўлиб ўтади.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Ҳамжиҳатликка боғлиқ

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида “Ҳуқуқролик ҳолати далолатномаларини ёзишдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

МАЪЛУМКИ, ФХДЭ бўлимлари фаолиятида туман, шаҳар хотин-қизлар кенгаши, соғлиқни сақлаш ва ички ишлар бўлимлари ходимлари ҳамда имом-хатиблар билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Шундай экан, бу жараёнда учрайдиган муаммоларни ҳам улар билан биргаликда бартараф этиш мақсадга мувофиқ. Чунки ҳаётда ҳар қандай муаммони ҳамжиҳатликда ҳал қилиш мумкин.

Давра суҳбатида вилоятдаги барча ФХДЭ бўлимлари мудирилари ўз фаолиятлари мобайнида юзага келадиган муаммолар хусусида иштирокчилар билан мулоҳазалашди-лар ва уларнинг ечими юзасидан фикр алмашди-лар.

Хусниддин БОЙНАЗАРОВ,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси
масъул ходими

Конституция — барчамизнинг тақдиримизда!

Сабоқ

Давлат ҳудуди — дахлсиз ва бўлинмасдир

3-МОДДА. Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилайди, ички ва ташқи сиёсатини амалга оширади. Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир.

КОНСТИТУЦИЯМИЗ-НИНГ ушбу моддаси республикамизнинг амалда истиқлолга эришган давлат эканлигини ёрқин намоён қилиб турибди. Халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъекти ҳисобланган ҳар қандай давлат ўзининг ички ва ташқи сиёсатини ўзи белгилайди ва мустақил амалга оширади. Бунда, аввало, давлатнинг миллий давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилишини аниқлаш ҳамда ўрнатиш ҳуқуқи муҳим аҳамият касб этади. Конституциянинг 3-моддаси биринчи навбатда ана шу масалага бағишланган.

Маъмурий-ҳудудий тузилиши деганда давлатимиз ҳудудини қисмларга, яъни вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасига бўлинишини Ўзбекистон Республикасининг ўзи амалга ошириши кўзда тутилган. Бу ерда, айниқса, шуни унутмаслик керакики, давлат ҳудудининг илмий асосланган ҳолда маълум қисмларга бўлиниши жойларда ҳокимият ва бошқарув органларининг оқилона ва самарали иш фаолиятини белгилайди.

Конституциянинг 3-моддасида эътироф этилган яна бир муҳим қоида шундан иборатки, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг юқори ва қуйи тизимини ўзи белгилайди.

Бу йил республикамизнинг ўзига хослиги ва манфаатларига, ўзбек халқининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзига, урф-одати ва анъаналарига, унинг табиий-географик ва ижтимоий-иқтисо-

дий шароитларига тўла мос бўлиб тушади.

Қомусимизнинг 3-моддаси 1991 йил 31 августда эълон қилинган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги асослари тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасини конституциявий мустаҳкамлаб, “Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир” деб кўрсатди. Мамлакат ҳудудининг яхлитлиги ва чегарасининг дахлсизлиги ҳар қандай давлатнинг муҳим белгиси ва ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг асосий шартларидандир. Бунга кўра, халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида Ўзбекистон Республикаси ўз миллий давлат ва ҳудудий тузилишини, ҳокимият ва бошқарув органларини мустақил белгилайди, ўз ички ва ташқи сиёсатини мустақил амалга оширади, ўз ҳудудида мажбурий қучга эга бўлган Конституция ва қонунларини қабул қилади. Ҳеч бир давлат ёки халқаро ташкилот унинг розилигисиз чегарасини ва ҳудудини ўзгартири олмайди.

Бу ерда қўшимча қилиб яна шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, бошқа давлатларнинг Ўзбекистонга, Ўзбекистоннинг бошқа давлатларга ҳудудий даволатлари йўқ. Ўзбекистон ўз ҳудудида, табиий ва миллий бойликларига нисбатан барча ҳуқуқларини мустақил амалга оширади. Турлича халқаро иқтисодий, ҳарбий ва бошқа иттифоқларга кириш-кирмаслик қабили ҳам бевосита Ўзбекистоннинг ихтиёрида.

Ҳайдарали
МУҲАМЕДОВ,
ТДЮИ доценти



40-модда
Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.
Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан



42-модда
Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.
Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.
Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни

Инсон умид билан яшайди

Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор
Нурмат ОТАБЕКОВ билан суҳбат

— Нурмат Сатиниязович, ўзингизга маълумки, ОИТС касаллиги миллионлаб одамларнинг ёшларини қуритмоқда. Бу касаллик қаерда ва қандай пайдо бўлган, шу ҳақда батафсилроқ тўхталиб ўтсангиз?

— ОИВ инфекцияси ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1981 йилда пайдо бўлган эди ва бу касаллик дастлаб ОИТС (Орттирилган иммун

танқислиги синдроми) деб аталган АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳридаги шифохоналарга қисқа муддат ичида пневмоцистали зотилжам ва саркома кпоти билан касалланган 25-35 ёшлардаги бир неча бемор қабул қилинган (пневмоцистали зотилжам ўпкани зарарловчи оғир касаллик бўлиб, асосан узок давом этувчи сурункали касаллик таъсирида кучсиз-

ланган катта ёшли одамларда ёки чала туғилган ва турли дори воситалари билан даволанаётган заиф гудакларда учрайди. Саркома кпоти ўсма касаллиги бўлиб, асосан 60 ёшдан ошган эркакларда биринчи марта аниқланади). Текширувлар натижасида бу беморлар асосан томирига гиёҳванд моддаларни қабул қилиши ва бесоқолбозлик билан

шуғулланиши маълум бўлган. Айни навқирон ёшдаги йигитларнинг нима учун бундай касалликларга чалинишини, ушбу касалликлар ривожланишининг беморлар ҳаёт тарзи билан боғлиқлигини аниқлаш учун Америка олимлари томонидан қучқур изланишлар олиб борилган. Шу каби изланишлар француз олимлари томонидан ҳам амалга оширилган.

Изланишлар натижасида ушбу ҳолатни, яъни оғир касалликларга чалинувчанлик ёки иммунитет заифлигини биргина микроорганизм — вирус келтириб чиқариши аниқланди. Бу вируснинг одам организмига киргач, турли ёт моддалардан ҳимоя қилиш учун курашувчи иммун тизимига тегишли қон ҳужайраларини зарарлаши, ушбу вируснинг доимо кўпайиб бориши ва кўпайиш



жараёнида мунтазам ўзгариб туриши ҳамда унинг яна бошқа кўплаб хоссалари аниқланди.

Адлия: қонун доирасида

Автожамланма айбдор эди

бошлиғи жаримага тортилди

ЖИЗЗАХ ШАХРИДА фаолият юртакдан МЧЖ шаклидаги "Rosgazservis" Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амириклар қўшма корхонаси раҳбари Л.Маматкулов Жиззах шаҳридаги 2517-сонли автожамланма корхонасига етказиб берилган 1248000 сўмлик табиий (метан) газ ҳақини тўлаб бермасдан келатганлиги сабабли мазкур қардорлиқни ундиришда амалий ёрдам сўраб, вилот адлия бошқармасига мурожаат этди.

Мурожаат ўрганиб чиқилиб, вилот ҳужалиқ судига асосий қарзни ҳамда етказиб берилган газ ҳақини ўз вақтида тўлама-



ганлиги сабабли жарима ва пеняни ундириб бериш тўғрисида даъво ариза киритилди.

Вилот ҳужалиқ суди автожамланмадан "Rosgazservis" қўшма корхонасига 1248000 сўм

асосий қарзни ҳамда 624000 сўм пеня ундириб бериш тўғрисида ҳал қўлув қарори чиқарди.

Шунингдек, ўз хизмат лавозимларини талаб даражасида бажармаганлиги, автожамланманинг

муддати ўтган кредитор қардорлигининг ўсишига йўл қўйганлиги учун автожамланма корхонаси мансабдор шахсларини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида Жиззах шаҳар Давлат солиқ инспекциясига таклиф киритилди. Ушбу таклиф кўриб чиқилиб, автожамланма корхонаси раҳбари А.Нурматов Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 175-моддаси, 3-қисмига кўра, энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида маъмурий жаримага тортилди.

Адлия бошқармаси томонидан кўрилган чоралар натижасида қўшма корхонанинг бузилган ҳуқуқи тикланиб, корхонага қардорлиқ суммаси ундириб берилди.

Бунёд АЗИЗОВ, Жиззах вилоти адлия бошқармаси масъул ходими

Лафзи ҳавода қолган корхоналар

фермерларга ҳақини тўлайдилар

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан ҳужалиқ шартномаларининг бажарилиши мониторинг қилинганда, 2010-2011 йилларда давлат эътиёжлари учун етиштириб берилган қишлоқ ҳужалиғи маҳсулотлари учун тўловлар тўлиқ амалга оширилмаганлиги маълум бўлди ва тегишли ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилди.

ХУСУСАН, Сурхондарё вилоти адлия бошқармаси томонидан тегишли судларга жами 6 миллиард 398 миллион 361 минг 510 сўмлик 1243 та даъво аризаси киритилди. Шундан 456 таси фермер ҳужалиқлари манфаатини кўлаб қилинган савий-ҳаракатдир. Фермерларнинг 1 миллиард 590 миллион 646 минг 735 сўм миқдоридида пул маблағларини ундириш юзасидан судларга даъво аризаси киритилди ва уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя қилинди.

Жумладан, 282 та фермер ҳужалиғи манфаатларини кўлаб "Сурхонпахта-саноат" ХАБ тизимида кирувчи "Пахта ОАЖ"лардан тўланмасдан турган 1 миллиард 318 миллион 713 минг 030 сўм, 55 та фермер ҳужалиғи манфаатини кўлаб "Сариосиёдон" МЧЖ ва "Сурхондарёдон-маҳсулотлари" АЖлар томонидан тўланмасдан турган 158 миллион 865 минг 506 сўм, 44 та фермер ҳужалиғи манфаатини кўлаб "Қишлоқҳужалиқ-кимё" АЖ Ангор, Денов,



Музработ тумани филиал-ларига нисбатан 12 миллион 176 минг 349 сўмлик, 4 та фермер ҳужалиғи манфаатини кўлаб "Денов-нефтбоза" УЎҒа нисбатан 964 минг 700 сўмлик, 30 та фермер ҳужалиғи манфаатини кўлаб Денов ва Музработ тумани "Машина трактор парк"и, Олтинсой тумани "Машина трактор

парки" ОАЖга нисбатан 55 миллион 074 минг 650 сўм миқдоридида пул маблағларини ундириш юзасидан Сурхондарё вилоти ҳужалиқ судига даъво аризаси киритилди.

Баҳодир АШУРОВ, Сурхондарё вилоти адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Эътибор ва эътироф

Жамият мавқеи

аёлларга муносабат билан белгиланади

ҲАР БИР жамиятнинг мавқеи унинг аёлларга бўлган муносабатига қароб баҳоланади ва шу боис хотин-қизларнинг оила ва жамият ҳаётида тутган ўрни нафақат қонун билан, балки сиёсат, маънавият ва маърифат, диний эътиқод ва фалсафа билан боғлиқ ҳолда белгиланади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясининг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" эканлигининг таъкидланиши ижтимоий тузум билан оила ўртасидаги узвий боғланишдан далолат бериб, бу хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтиришда, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Бу борада Президентимиз томонидан 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўлаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини оширишга қаратилган, муҳим аҳамиятга эга



бўлган меъёрий ҳужжатдир. Хотин-қизларга берилган кенг ҳуқуқ ва эркинликлар, улар тўғрисидаги давлат гам-хўрлиги Меҳнат кодекси, Фуқаролик, Жиноят кодексларида ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Меҳнат кодексидида хотин-қиз-

ларга меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш учун кенг имтиёзлар берилиши кафолатланган.

Асосий Қонунимизда бел-

жой билан таъминланиш, илм ва ижод билан шуғулланиш, давлат бошқарув тизимидидаги лавозимларга, халқ вакилларини органларига сайланиш ва сайлаш, сиёсий партиялар фаолиятида иштирок этиш, ҳусусий корхоналар очиш ёки тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятларининг яратилиши хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада кенг-роқ намоён этмоқда.

Аёллар ҳуқуқларини тушунтириш, аёлларга мўлжалланган нашладрда уларнинг ҳуқуқларини кенг-роқ ёритиш, ҳозирги даврда кенг тарқалган ва асосан қишлоқ жой-ларидидаги хотин-қизларни жалб этган турли хил ўқув машғуллотларида жамоатчилик асосида аёлларнинг ҳуқуқларига бағишланган маърузаларни доимий тарзда ташкил этиш уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, мамлакатимизда яратилган барча шарт-шароитлар хотин-қизларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун негиз ҳисобланади. Мазкур шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш ҳар бир аёлнинг ўзига боғлиқ. Бу эса пировардида жамиятнинг келажак-гини белгилаб беради.

Фахрутдин ҚўЛДАШЕВ, Сурхондарё вилоти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

XXI АСРНИНГ техника ва саноат инқилоби инсониятни тараққиёт сари етаклади. Аммо мана шу тараққиёт ҳосиласи бўлиш кўкка ўрлаётган заҳарли унсурлар асрлар оша қалқиб келатган ер ва осмон мувозанатини хийла ўзгартириб юборди.

Зиддият

СИР ЭМАС, инсоният бундай қарама-қаршилиқни, образли қилиб айтганда, "парадокс" принципи асосида юзага келтирляпти. Келинг яхшичи, жаҳон миқёсида юз бераётган жараёнлар таҳлили билан танишиб, бугун дунёвий иқлим ўзгариши инсоният учун нечоғлиқ муаммолардан бирига айланаётганлиги ҳақида фикр юритсак.

"...Иссиқхона газлари таркибига кирувчи углекислоталар, хавфли газ бўлиб, улар иссиқликни ушлаб туриш ва Ер юзасини қизитиш хусусиятига эга, — дейилади 2009 йили Копенгаген шаҳрида ўтказилган "Иқлим ўзгариши" конференциясида баён қилинган "Глобал исиш" маърузасида. — Иссиқлик атмосферада то бу унсурлар космосга йўналгунига қадар сақланиб тураверди. Натижа — глобал исиш-дир. Соддагина сўзлар билан асосланган бу илмий фикр ҳар бир инсонни чўқур мулоҳазага чорлаши тайин.

Дарҳақиқат, бугун саноатлашган мамлакатлардан атмосферага чиқарилаётган заҳарли чиқиндиларнинг миқдори мисли қўрилмаган даражада ортмоқда. Ҳўш, бу кетишда унинг оқибати нима бўлади?

Ҳа, иқлим мураккаб табиий ҳодиса экани, унинг ўрганиш жараёнида аниқ ҳулосаларни айтиш ҳам мураккаблиги бугун нафақат жамоатчиликни, балки дунё олим ва тадқиқотчиларини ҳам ўйлантириб қўйди. Сайёрамиз об-ҳавосининг кескин ўзгариши натижасида юз бераётган тўфонлар, сув тошқинлари, довул ва бўронлар бир томондан, қурғоқчилик, жазирама, музликларнинг жадал эриши, иккинчи томондан аномал, яъни, нодатий кўринишда иқлим мувозанатини бузиб бормоқда.

Рўй бераётган бундай нотабиий кўринишлар, йилнинг тўрт фаслига хос жозибани номуаносиб ҳолга келтирмоқда-ки, бунга бирор ечим топишга инсон тафаккури оғизлик қилмоқда.

VIII асрда яшаган француз социологи Монтескье "Қонунлар руҳи тўғрисида" номли асарида жамият табиатга тўла равишда қарамлиги ғоясини ва унинг асосида "иқлимнинг ҳукмронлиги барча кўчлардан устунроқдир" деган ширини илгари сурган эди. Бу борада Хитой файласуфи Лао-Цзи эса "Қишлар Дао қонунини бузмасликларни керак, акс ҳолда табиат улардан албатта ўч олади!" деган эди. Бунинг экологик офатлар авж олиб бораётган бугунги кун воқелиғи ҳам тасдиқлайди.

Тўғри, табиий офатлар, кишилик жамиятининг илк давларидаданок, озми-кўми ташвишга солиб турган. Аммо, нима учун кейинги 10-20 йил мобайнида юз бераётган иқлим исиши одамларни ташвишлантириб қўйди? Глобал миқёсда содир бўлаётган дунёвий иқлим ўзгаришлари, "муз даври" бошланмоқда, ённки унинг акси содир бўлмоқда, деган тахминлар қанчалик асосли?

ИКЛИМ НОТАБИЙ: ГОҲ ИССИҚ, ГОҲ СОВУҚ. НЕГА?


Мутахассисларнинг фикрича, бугун теграмида юз бераётган совуқ ва иссиқ иқлимнинг номавсумий ҳолати атмосферада заҳарли газлар ҳаддан ташқари кўп миқдорда тўпланаётгани сабабли юз бермоқда. Бу, айниқ, карбонат ангидрид, метан ва азот оксиди сингари заҳарли газлар улушига тўғри келмоқда. Одамлар мазкур мувозанатнинг бузилишини асосан ёқилғи маҳсулотларидан тартибсиз фойдаланишлари орқали юзага келтирмоқда. Статистик маълумотларга кўра, ҳозирги кунда инсоният ер сайёрасининг 80 фоизидан орტიқроқ қисмида фаолият кўрсатмоқда. Саноатнинг илғор жадаллашуви баробарида, ер, сув, ҳаво ресурсларида ҳамда биохимияликларга унинг ўзи тўғридан-тўғри антропоген таъсир кўрсатмоқда. Ушбу таъсир оқибатларини инсоният ўз ҳаёти давомида кўзгудаги акс сингари кун сайин тинчирок кўриб, она табиатга қилаётган шафқатсизлигининг жабрини чекишга, афсусли, мажбур бўлмоқда.

Олимларнинг таҳлилий баҳолаш-ларига кўра, охириги 200 йил ичида инсоният айби билан ер атмосфера-сида 2,1 триллион тонна СО₂ йиғилиб қолган, шу билан берилганда дунёдаги океан сувлари таркибидаги қислота миқдори эса 30 фоизга

кўпайган. Математик моделлаштириш натижалари, атмосферага 100 миллиард тонна СО₂нинг чиқарилиши оқибатида, глобал ҳароратнинг 0,16°С тушиши кузатилаётганини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга урбанизация ҳам иқлим ўзгаришига туртки бераётганини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ҳозир шаҳарларда сайёрамизнинг ярим аҳолиси ҳаёт кечирмоқда. 1 миллион аҳолиси бор шаҳарлар кунига ўртача 25 минг тонна СО₂ ва 300 минг тонна оқова сувларни чиқаради. Бундан ташқари, катта шаҳарларда "иссиқ" ҳаво объеклари: бинолар, машиналар ва шу кабилар туфайли ҳарорат бирмунча юқори. Иссиқ иқлимли ривожланган мамлакатларда ҳавони совутишга кетадиган харажат иси-тишга нисбатан кўпроқдир. Ўрни иссиқ ҳавони совутиш кондиционерларини ишлатишнинг иқлим исишини янада қучайтиришда таъсири бор.

Мутахассислар атмосфера, океан, муз қопламлари силсиласини, ер юзасида рўй бераётган ҳодисаларга, яъни табиий жараёнлар қонуниятининг бузилишига менгаб, бу глобал иқлим исишини таъминлаётганини таъкидлашмоқда. Юз бераётган кучли ис-



вадор, Перу қисман Чили билан ту-ташган Тинч океанининг шарқий қисмларидаги экваториал сувларнинг юза қисмини 4-5°С даражага оширган. Бу ҳодиса дунёдаги тропик бўронларнинг жойлашуви ва фео-лигига таъсир этди.

Иқлимнинг кескин ўзгариши ҳақида баъзи экспертлар 2100 йилга келиб, Антарктида ва Гренландия муз-ликларининг фаол эриши туфайли

Бонг

Теграмиздаги Таҳдид

(Биринчи мақола)

Фаслар киёфасини ўзгартирмоқдами?

сиқлик тўлқинлари ва беўшлов ша-мол оқимларида, айрим ҳудудлар қурғоқчилик, бошқаси эса меъёридан ортиқ ёғингарчиликлар гирдобидида қолмоқда.

Баъзоратларга қараганда, кейинги 100 йилда бутун дунёнинг ўртача ҳаво ҳарорати кўрсаткичлари қаторида Арк-тида ҳам ҳарорат икки баробарга ортиб, оқибатда унинг муз қатлами 27 фоизга қамайган, Австралия ва Янги Зеландия ҳудудларида совуқ ҳаво ва ёғингарчиликнинг кузати-лиши, Африкада 1970 йиллардан бери давом этиб келатган қурғоқ-чиликнинг дахшатли оқибатлари, Шарқий Амазонканинг тропик ўрмон-лари, шунингдек, жанубий ва мар-казий Мексика аста-секин саванналар-га айланаётгани, исиқнинг кескин-лашуви ва қуруқ тупроқ ҳолатининг кенгайишидан Шимолий Америка эк-отизми таназзулга учрамоқда.

Ана бир манбада қайд этилишича, агар атмосферага ўрлаётган чиқинди-лар миқдори ҳозирги кўрсаткичда ўсиб бораверса, XXI аср охирига келиб Ши-молий Муз океанининг улкан ҳудуди-да муз қатлами йўқолиши мумкин экан. Масалан, Ерда музнинг эриши ва қор қатлами альбе-до (қайтариш қобилияти) ҳавонинг илмлиги туфай-ли пасайса, бу Ер сайёрасининг кес-кин исишини таъминлар экан. Айтай-лик, 1912 йилдан 2007 йилгача Ки-лимандажаро музликларининг ҳажми 85 фоизга қисқарган ва айнан шу йўқо-тишларнинг чорак қисми 2000 йил-дан ҳозирги кунгача бўлган вақтга тўғри келиши таажжубланарли ҳол, албатта. Ҳимолай музликларининг май-дони эса охириги 50 йил ичида 16 фо-изга қисқарган. Охириги 200 йил ичи-да Сейшель оролларидаги дунё оке-анининг сатҳи, ёрнинг бошқа жойла-ридаги ўртача кўрсаткичга қараганда 10 фоизга тезроқ кўтарилимоқда.

Олимлар иқлимнинг локал ўзгари-шини қўпчила, унинг глобал миқёс-да ўзгаришига нисбатан анча таъсир-да эканлигини таъкидлашмоқда. Чун-ки локал омиллар (масалан, океан ёки атмосфера циркуляциясининг ўзгариши) иссиқ ёки нам оқимни бир жойдан иккинчисига қўчириб юбори-ши мумкин. Ҳаво ҳарора-тининг ўртача глобал ўзга-риши эса, ақсина, маълум бир глобал миқёсдаги таъ-сирларни талаб этишини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди.

Соҳа тадқиқотчиларининг кузатишича, иқлим ўзгари-шининг яна бир кўрсаткичи сифатида йилларро ёққан ёғингарчилик миқдорининг ўзгариши ва кучли жала ёмғирларининг қўпчилиги гло-бал гидрологик цикллари фаоллаштирилмоқда. Ёғингар-чиликлар билан боғлиқ куч-ли экстремал ҳолатларнинг кўпайиши яққол кузатишмоқ-да. Шимолий ярим шарда-ги ўрта ва юқори кенглик минтақаларида ёғингарчи-ликларнинг қучайиши давом этмоқда. Аммо, бир жойда сув тошқинлари юз бераёт-ган бўлса, иккинчи жойда қурғоқчилик оқибатида қан-чадан-қанча ўрмон ёнгинла-ри келиб чиқаётгани айрим мамлакатларнинг қишлоқ ҳужалиғига ҳам катта путур етказмоқда.

Табиий офатларнинг яққол мисоли сифатида Эль-Ниньо глобал иқлим ҳодисасини олиш мумкин. У жанубий Американинг Эк-

жаҳон океани сатҳи 18-59 сантимет-рга кўпайиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Бу баъзи орол давлат-лари ва соҳилбўйи шаҳарларининг ҳалокатли сув остида қолиши учун етарли офатдир. Бундан бир неча йил муқаддам жаҳоннинг 130 мамла-катидан 2,5 минг нафар олимдан тар-киб топган БМТ ҳукуматларро қў-мисиясини томонидан тайёрланган "Иқлим ўзгариши — 2007" маъруза-сида одамларнинг экологияга бўлган шафқатсиз муносабатлари ҳақида му-лоҳазалар юртилиб, кейинги юз йил ичида атмосферага булғаб келган за-ҳарли унсурлар, ҳароратнинг 1,4 дан 5,8°Сгача қўтарилишига сабаб бўла-ётгани таъкидланган эди.

Иқлимшуносларнинг фикрича, Марказий Осиёда ҳам жадал сурат-ларда иқлим исиши кузатишмоқда. Масалан, махсус асбоблар ёрдамида олинган маълумотлар Ўзбекистон ҳудудида барқарор ҳаво ҳароратининг кўтарилишини кўрсатмоқда. Иси-шининг ўртача тезлиги 1950 йиллардан бўён республикамизда ҳар ўн йил-ликда 0,29°С даражани ташкил этган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, Мар-казий Осиё иқлимига антропоген таъ-сир урбанизация, мелиорация ва қўпчилиш натижасида юз бермоқда. Айни пайтда булар юзасидан амалий чора-тадбирлар қўрилатгани ижобий самаралар ҳам бермоқда. Бугунги куз-атишлар саноатдаги тузилмаларнинг ўзгариши ва атмосферага ифлослан-тирувчи объектлардан (завод ва фаб-рикалар) чиқаётган чиқиндилар, шу-нингдек, иссиқхона газлари миқдори-нинг қамайишини кўрсатмоқда. Маса-лан, ўтган 1990 йилда чиқиндилар миқ-дори йилга 500 миллион тоннадан та-шқил этган бўлса, 2000 йилга келиб, бу кўрсаткич икки баробарга қамайган. Марказий Осиё мамлакатлари учун яна бир йирик атмосферага булғовчи ман-ба бу — Қорақум, Қизилқум ва Муюн-қум қўллариининг чағ-тўзонлари экан.

Иқлим ўзгаришининг яққол ҳуду-дий ўзгарганлик кўрсаткичи сифати-да континенталликнинг қучайиши, яъни иссиқ ва совуқ кўнар ўртаси-даги тафовутларнинг ортишини олиш мумкин. Масалан, Оролбўйида ҳаро-рат +40°С даражадан ошган қўнар 2 баробарга, Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида эса ўртача бир ярим ба-робарга ортган.

Кузатишлар, республикамизнинг барча ҳудудларида 2007 йилнинг ано-мал совуқ қишига қарамадан паст да-ражали кўнарларнинг қамайиши қайд қилинди. Масалан, таҳлилларга таъниб Тошкент шаҳрида 2009 йили қуниқ ҳаво даражаси минос 10°С дан паст 27 кун, 1972 йилда бундай совуқ кўнар 29 кун, 1969 йилда 37 кун, 1930 йил-да эса 43 кун қайд қилинган.

Иқлимнинг глобал ўзгариши ат-роф-муҳитнинг турли компонентлари ва уларнинг алоҳида хусусиятларига таъсир кўрсатиб, ижтимоий-иқтисодий тармоқларда ҳам анча ноқулайликлар-ни вужудга келтирмоқда. Ўзбекистон ҳудудида иқлим мониторинги маълум-отлари шунини кўрсатадики, кейинги ўн йилликда исиқнинг турғун тамо-ийли 0,2°С дан ошади, бу шимолий яримшар бўйида исиқнинг ўртача суръатидан 40 фоизга ортиқ дегани. Мисли қўрилмаган бундай исиш, мин-тақамизда Орол денгизи ҳавасининг дарёларини таъминлайдиган қор-муз-ликлар қатламини таназзулга учрат-моқда. Аниқроғи, сўнгги ярим асрда тоғли музликларнинг учдан бир қис-мидан ортиқроғи қисқарган.

Умид СОРИЕВ, "Инсон ва қонун" мухбири

Барча вазирликлар, давлат идоралари, мулкчилик шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда барча вазирликлар, давлат идоралари, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг кадрлар билан ишлаш тузилмалари ходимлари малакасини ошириш курслари ташкил қилинмоқда.

Мазкур курсларда тингловчилар қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:

- меҳнатга ва аҳолини иш билан таъминлашга оид муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

- меҳнат ресурсларини бошқариш тизими;
- кадрлар билан ишлаш тизими;
- меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби;
- меҳнат қонунчилигининг амалиётда қўлланиши билан боғлиқ муаммолар таҳлили;

- меҳнатга оид низоли ишларнинг судда қўрилиши;
- ҳодимларни бошқариш стратегияси, ташкилотни бошқариш стратегияси;
- кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- кадрлар билан ишлашнинг психологик аспектлари.

Ўқитиш муддати 1 ҳафтадан иборат бўлиб, шартномага мувофиқ тўлов асосида амалга оширилади. Шартнома суммаси бир кишига энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида белгиланган.

Тингловчилар таркатма материаллар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар намуналари ва қўлланмалар билан таъминланади. Малака ошириш курси якуни бўйича сертификат берилади.

Малака ошириш курсида ўқиш бўйича Юристар малакасини ошириш марказига (тел: 232-19-65, 236-79-64) ёки Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекциясига (тел: 239-41-13, 239-45-79) мурожаат қилиниши мумкин.

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

1983 йилдан бу вирусни Одам Иммунодефицити Вируси (Human Immunodeficiency Virus) деб, ушбу вирус келтириб чиқарадиган касалликни — ОИТС инфекцияси деб атай бошланди. ОИВ-инфекцияси одам организмидеги иммун — ҳимоя тизимига мансуб бўлган ҳужайраларни зарарлайди. Бу ҳужайралар одам организмга ташқи муҳитдан тушган ёт моддаларни таниб олиб, уларни йўқ қилиш вазифасини бажаради. ОИВ-инфекцияси айнан ушбу иммун ҳужайраларини емиради. Вирус ҳужайранинг ичига кириб олган, у ердаги моддалардан (углевод, ёғ, аминокислоталар ва б.к.) ўзининг кўпайиши ва шаклланиши учун фойдаланади. Ҳужайрада кўп миқдорда янги вируслар ҳосил бўлган, уни буткул емириб, қонга чиқиб кетади. Шу сабабли ҳимоя ҳужайралари ўз вазифасини бажара олмайди, шу билан бирга уларнинг сони ҳам кескин камайиб кетади. Организмнинг ҳимоя тизими шикастлангани боис у ташқи муҳитдан тушиб турадиган турли микроорганизмларни "таниб олиб", ўз вақтида бемор танасида сил, ўраб олувчи темирлатки, гепатит, зотилжам, тери ва ички аъзоларнинг замбуруғли касалликлари, турли ўсмалар ва бошқа шу каби касалликлар ривожланиб кетади. Беморнинг танасида намён бўлувчи белгилар айнан ана шу кўшимча касалликларга хосдир. Бемор ОИВ-инфекцияси таъсиридан эмас, айнан ана шу кўшимча касалликларнинг асоратидан нобуд бўлади. Касалликнинг охириги даври, яъни иммун тизими ҳеч қандай ёт микробларга қарши кураша олмай, беморда турли оғир касалликлар ривожланиши даври ОИТС деб аталади.

Иммун ҳужайралар асосан қонда ва микроблар кириши мумкин бўлган дарвоза аъзолар атрофида, айниқса кўп бўлади, чунки микроб билан инсон тўқнашуви шу ердан бошланади (қон зардоб, қин суякчилиги, шахват суякчилиги, сут, сўлак, кўз ёши, ички аъзолар атрофидаги суякчиликлар). ОИВ-инфекцияси ҳимоя тизимини зарарлаши учун шу суякчиликларга кириши керак.

ОИВ ташқи муҳитга чидамсиз мавжудот. У фақат тирик инсон танасидагина яшashi ва кўпайиши мумкин. Бу вирус тупроқда, сувда, қуёш нурларида, юқори ҳароратда жуда тез ўлади (1-2 кунда). Ундан ташқари совун, хлорли эритмалар, спирт вирусни янада тезроқ ўлдиради. Шунинг учун бемор одамнинг қони ёки суякчиликларини ташқарида тушганида, уларни зарарсизлантириш жуда осон.

БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича дастури (ЮНЕЙДС)нинг маълумотларига кўра, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига дунё бўйича ОИВ-инфекцияси билан яшаётган шахслар сони 33,4 миллион нафарни ташкил этган. Уларнинг 3,2 миллион нафари Ҳиндистон, 1,4 миллион Хитой ва 1,2 миллион АКШ давлатларига тўғри келмоқда.

Тахлиллар Ўзбекистонда ОИТС-инфекциясининг аниқланиши 2011 йилнинг 10 ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ОИТСга чалиниш 13,4 фоизга камайганлигини кўрсатди. Лекин бу рақамлар хотиржамликка берилишга асос бўла олмайди, албатта.

— ОИТСни даволаш бора-сида дунё олимлари қандай тадқиқотлар олиб бормоқда? Жумладан, ўзбекистонлик олимларнинг бу борадаги тадқиқотлари самараси ҳақида нималар дея оласиз?

— ОИВ-инфекциясини даволаш учун дунё олимлари томонидан вируснинг кўпайиши ва етилишини тўхтатиб турувчи дорилар ишлаб чиқилган. Бу дорилар вирус ривожланишининг ҳар хил босқичида таъсир этиб, унинг янги-янги ҳужайраларни емириши ва иммун тизимини заифлантиришининг олдини олади ва инсон умрини кўп йилларга узайтиради. Булар антиретровирус препаратлари деб аталади.

Дунё олимлари ОИВнинг ҳужайра ичига киришига тўсқинлик қилувчи ёки вирус ҳужайрани зарарламасдан олдин уни ўлдирувчи янги дориларни ишлаб чиқиш устида изланиш олиб бормоқдалар. Бундай дорилар бирикши ингибиторлари, "ССР5" рецепторлари антагонистлари, моноклонал антителалар гуруҳларини ташкил қилади. Ҳозирги кунда ушбу препаратларнинг дастлабки намуналари Европа мамлакатларида клиник синовдан ўтказилмоқда. Ўзбекистонда ОИВ-инфекциясига оид илмий изла-

нишлар 2000 йиллардан бошланган. Ҳозирги кунга келиб бу йўналишда 10 дан ортиқ номзодлик ишлари, 2 та докторлик иши ёқланган. Ўтказилган тадқиқотлардан қўтилган мақсад ОИВ-инфекциясининг кечилиши ўрганиш, уни даволаш ва касалликнинг олдини олишдир. 2006 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ОИВ-инфекциясини юқтириб олган шахслар антиретровирус препаратлари билан бепул таъминламоқда. Ҳозирги кунда уч минг нафардан ортиқ беморлар антиретровирус препаратларини қабул қилмоқдалар.

— Кейинги пайтларда интернет ва ОАВларда ОИТС-

хасидаги барча халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Ҳукуматимиз томонидан ОИВ-инфекцияси аҳоли, айниқса, ёшлар ва касалликни юқтириб олиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар орасида тарқалиб кетишининг олдини олиш, ОИВ билан касалланган шахсларни даволаш ва эпидемиянинг ижтимоий оқибатларини енгиллаштириш борасида мақсадга йўналтирилган дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги Қарори республикада ОИВ-инфекциясининг тарқалиб кетишига

учун янги бино қуриб битказилди, қолган барча виллоятлар марказларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Давлат бюджетини ҳисобидан 2010-2011 йилларда республика ва 14 та ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари ва 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораториялари 7,5 миллиард сўм қийматга эга замонавий халқаро андазаларга мос лаборатория асбоб-анжомлари билан жиҳозланди.

— Республикада кўпгина оилавий поликлиникаларда фуқароларда ОИТСни аниқлаш мақсадида "Ишонч хона"лари ташкил қилинган.


антиретровирус препаратларини вақтида, белгиланган схема асосида узатишларга йўл қўймасдан қабул қилиб туриш ва диспансер кузатувида бўлиш керак, албатта.

— Сухбатлардан бирида "Африкада бир қабила яшайди. Уларга ОИТС юкмайди", деган қизиқ бир фактни айтган эдингиз. Шу ҳақда ҳам бироқ тўхталиб ўтсангиз.

— Дунё бўйича 2 фоиз инсонларда ОИВ зарарлаши мумкин бўлган иммун ҳужайраларининг шакли ўзгарган бўлади ва бу наслий белги ҳисобланади. Шакли ўзгарган ҳужайрага вирус бирика олмайди ва шунинг

1 декабрь — Жаҳон ОИТСга қарши кураш куни

Инсон умид билан яшайди



нинг тарқалишида қон ва унинг препаратларининг эътиборсиз қўлланиши ҳам сабаб бўлаётгани ҳақида ёзишмоқда. Бу борада қандай фикрдасиз?

— Юқорида айтиб ўтилганидек, ОИВ юқиши қонга, қин ва шахват суякчилигига вирус тушганида амалга ошади. Шунингдек, беморнинг айнан шу суякчиликларда ОИВ энг кўп миқдорда бўлади, яъни беморнинг қони касаллик юқишида катта аҳамиятга эга бўлган омилдир. Ўзбекистонда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш соҳасида ОИВ-инфекцияси тарқалишининг олдини олиш юзасидан қатор қонуний ва меърий ҳужжатлар қабул қилинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги "Одамнинг иммунитет танқислиги вирус билан касалланишининг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида"ги Қонунига асосан, давлат ОИТС/ОИВ касаллигининг олдини олиш, тахлис қўйиш ва даволаш воситаларини етказиб берилишини, шунингдек, тахлис қўйиш, даволаш ва илмий мақсадларда қўлланиладиган тиббий препаратлар, биологик суякчиликлар, органлар ва тўқималарнинг хавфсиз бўлиши устида назорат қилинишини таъминлади (4-модда).

Ўзбекистон Республикаси фуқароларида ОИТС/ОИВ касаллиги аниқланган тақдирда, улар қон, биологик суяклик, органлар ва тўқималарнинг донори бўла олмайди. ОИТС/ОИВ касаллигини юқтирганлар тиббий кузатув остида бўлишлари шарт (6-модда).

Шунингдек, Ўзбекистон ҳудудида қон ва қон препаратларини зарарсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу препаратларнинг асосий равишда қўлланилмаслигини белгилловчи Соғлиқ сақлаш вазирлиги томонидан қабул қилинган қатор меърий ҳужжатлар мавжуд ва амалиётга кенг татбиқ этилади.

— Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашнинг самардорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси бўйича қилинаётган ишлар борасида ҳам тўхталиб ўтсангиз?

— Республикада ОИТСга қарши кураш тизими 1987 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Республика ОИТСга қарши курашиш марказининг фаолияти бир қатор йўналишларда олиб борилади. Ўзбекистон ОИВ-инфекцияси профилактикаси со-

қарши курашга қаратилган кенг қамровли, муҳим ҳужжатлардан биридир. Мазкур Қарорда ОИВга қарши курашнинг ягона тизимини ташкил қилиш, ОИВ-инфекциясининг олдини олиш ва бу касалликдан ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилаётган чора-тадбирларнинг самардорлиги ва сифатини ошириш, ОИВга қарши кураш марказларининг моддий-техника базасини яхшилаш, ОИВга қарши курашда фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириши таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

ОИВ касаллигининг тарқалиб кетишига қарши кураш соҳасида давлат, жамоатчилик, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг янада яқинроқ ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ОИВ касаллигининг тарқалиб кетишига қарши тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси тарқиб ва низоми тасдиқланиб, бу комиссиянинг асосий вазифалари, валолати ва масъулияти белгиланган ҳам ҳаётий аҳамият касб этаётди.

Президентимиз Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йил 5 январда Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан Республика ва ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказларининг янги тузилмаси, "2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ-инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саёй-ҳаракатлар Миллий режаси" тасдиқланди ва амалиётга изчил йўналтирилди.

Ҳозирда Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказлари, шунингдек, 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораториялари, республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида 10 та ОИТС диагностика лабораториялари фаолият юритмоқда.

Айни пайтда Миллий режага мувофиқ ОИВ-инфекциясини юқтириб олган шахсларга маънавий тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ОИТСга қарши курашиш марказида 60 ўринга мўлжалланган клиника ташкил этилмоқда.

Бугунги кунда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида марказлар

Касалликни аниқлашда "Ишонч хона"лари қандай самара бермоқда?

— Юртимизда 200 дан зиёд "Ишонч хона"лари фаолият кўрсатмоқда. "Ишонч хона"ларининг вазифалари ОИВ/ОИТС масаласига оид савол билан муурожаат қилганларнинг барчасига маълумот бериш, касалликни ўзига юқтириб олиш хавфи юқори бўлган шахсларга ОИВ-инфекцияси юқишининг олдини олиш йўллари билан таништириш ва шахсий ҳимоя воситалари ҳамда ахборот-маърифий материаллар билан таъминлаш, бошқа соҳа мутахассисларига муурожаат қилишларига имконият яратиш, аноним ва конфеденциал равишда лаборатория текширувини ва масолаҳат беришни ташкил этишдан иборат. "Ишонч хона"лари тиббий муассасалар қошида ташкил этилади ва бу ерда малакали мутахассислар ишлайди. "Ишонч хона"ларига муурожаат қилган шахсларга тегишли маълумотлар ва текширув натижалари сир сақланиши кафолатланади. Бугунги кунгача "Ишонч хона"лари хизматларидан 1 миллиондан ортиқ шахс фойдаланганини қайд этиш мумкин.

— Матбуот наشرларида "ОИТСга чалинган оналардан соғлом фарзандлар туғилади" деган фикрлар кузатиляпти. Бу фикр қанчалик ҳақиқатга яқин?

— ОИВ-инфекциясини ўзига юқтириб олган аёл 40 фоиз ҳолатда касалликни фарзандига юқтириши мумкин. Табиий туғруқ вақтида зарарланиш хавфи юқори бўлади. Замонавий профилактика усуллари қўлланганда, касалликни болага юқтириш хавфини 2 фоизгача камайтириш мумкин. Яъни 100 нафар ОИВ-инфекцияли аёлдан 2 нафар бемор фарзанд туғилиш хавфи қолади. Ҳомиланинг зарарлангани хомила 6 ойга тулгандан кейин аниқлаш мумкин.

— ОИТСни юқтирган бемор ўртача қанча умр кўриши мумкин?

— ОИВ-инфекциясини юқтириб олган бемор ўртача 15 йил умр кўриши аниқланган, аммо замонавий даволаш усуллари ёрдамида беморларнинг умрини яна камида 20 йилга узайтириш мумкинлиги илмий тадқиқотлар орқали исботланган. Баъзи адабиётларда ОИВ-инфекциясини юқтириб олган одамнинг умрини ушбу касаллик билан оғриманг одамнинг умричалик чўшиш мумкин, дейилмоқда. Бунинг учун эса ҳар хил касалликлар билан касалланиб қолишдан ўзини асраш ва шифокорлар тавсиясига кўра дори-дармонларни, жумладан,

ҳисобига ана шу тоифадаги одамга вирус юкмайди. Шунингдек, 25 фоиз инсонларда ушбу белгига ўхшаш қисман ўзгаришга учраган ҳужайралар мавжуд.

— 2008 йил икки нафар француз олими Франсуаза Барре-Синусси ва Люк Монтанье ОИТСга қарши курашдаги фаолияти учун Нобель мукофотиغا сазовор бўлган. Бу олимлар қандай илмий ютуқларга эришган? Лекин бу касаллик ҳамон дунё тиббиётига бўйсунгиси келмаяпти. Нера?

— Касалликнинг кўзгатувчисини 1983 йилда Франциядаги Пастер институтинида Л.Монтанье лаборатория шароитида ажратиб олишга муваффақ бўлган. Роберт Галло ва Люк Монтаньнинг илм-фанга қўшган ҳиссаси — ОИВ-инфекциясининг кўзгатувчисини аниқлашган. Бу иштиро учун Франциядаги Пастер институтининг олимлари — Люк Монтанье ва Франсуаза Барре-Синусси 2008 йилда "Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини"ни кашф этганликлари учун физиология ва тиббиёт соҳасида Нобель мукофотиغا сазовор бўлишган.

Ҳозирги кунда вируснинг хусусиятлари ва уни одамга юққанда кейин даволаш усуллари устида жуда кўп изланишлар олиб боришмоқда. Аммо, вирус одам организмиде жуда тез кўпаяди ва ҳар кўпайганида генлари ўзгарган ҳолда янги вируслар ҳосил қилади. Шунинг учун вирусга қарши эмлаш воситасини ва уни тўлиқ даволаб юбориш учун дори воситасини ишлаб чиқиш бирмунча қийин кечмоқда. Шу билан бирга тирик вирус одамнинг ҳужайралари ичига кўпаяди, вирусни ўлдириш учун уни сақлаган ҳужайрани парчалаш зарур. Ҳозирги замонда ҳужайра ичига кириб борувчи ва у ерда вирусни "таниб олувчи дори"лар сони санокли ва улар клиник синовдан ўтиш давридадир.

Тан олиб айтиш керакки, бугун дунё бўйича юқорида келтирганимиздек, салкам 34 миллион бемор ОИТС азоби-тортмоқда. Бедаво дард туфайли миллионла беморларнинг ёстиғи қуриди. Лекин дунё тиббиёти ушбу касалликни даволаш чорасини излашда давом этмоқда. Вақти келиб бу касаллик тиббиётга бўйсунди, деган умиддамиз. Энг асосийси, бунга ишонч бор. Ахир, инсон умид билан яшайди-ку.

Сухбатдош:
"Инсон ва қонун" муҳбири
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Соҳа салоҳияти

Олий малака комиссияси

қандай фаолиятни

амалга оширади?

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариат институти янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Қарорини эълон қилиниши билан соҳадаги туб ислохотларга замин яратилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 2010 йил 14 сентябрдаги "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига асосан нотариат соҳаси билан боғлиқ бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, "Нотариат тўғрисида"ги Қонунга киритилган ўзгартишларга асосан бўлажак нотариусларга қўйиладиган малака талаблари қучайтирилиб, ёш цензи белгиланди.

Қонунда нотариус лавозимига тайинлаш бўйича танлов ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, нотариус қасамёдини қабул қилиш, малака комиссияларининг қарорлари устидан берилган апелляцияларни қўриб чиқиш, шунингдек, малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш учун ўн бир кишидан иборат таркибда Адлия вазирлиги ҳузурида Олий малака комиссияси тузилиши белгиланган.

Олий малака комиссияси ўз фаолиятини 2010 йил 21 декабрда Адлия вазирлиги томонидан 2166-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомга асосан амалга оширади.

Жумладан, комиссия кун тартибига киритилган масалалар юзасидан тегишли ташкилотлардан зарур бўлган ҳужжатларни сўраб олиш, апелляция ҳамда малака комиссияларининг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш юзасидан тегишли адлия бошқармаларидан зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш, малака комиссиясининг қарорини ўзгаришсиз қолдириш ва апелляцияни қанотлантиришни рад этиш, малака комиссияси қарорини бекор қилиш ва малака комиссияси томонидан тақдоран малака имтиҳонини ўтказиш тўғрисида қарор чиқариш, стажировка ўтаган шахсдан (талабдордан) малака имтиҳонини қабул қилиш, апелляцияни қўриб чиқиш жараёнида апелляцияда кўрсатилмаган, лекин тўғри қарор қабул қилиш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни ўрганиб чиқиш, малака комиссиясининг фаолиятини тугатиш ва қайта тузиш тўғрисида, малака комиссиялари томонидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда қабул қилинган қарорлари бўйича айбдор бўлган мансбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ҳамда малака комиссияларига уларнинг иш амалиётини умумлаштириш ва таҳлил қилиш натижалари бўйича тавсиялар бериш, малака комиссиялари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақлифлар киритиш каби ҳуқуқларга эга.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Олий малака комиссияси томонидан унга юклатилган функцияларнинг амалга оширилиши натижасида қабул қилинаётган қарорларда адолатлилик, қонунийлик, тенглик ва ҳолислик принциплари таъминланмоқда.

Анвар ЁРИЕВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

Учрашув

Таълим муассасаларини битиргач...

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорини амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда катта имкониятлар яратиб бериши. Айниқса, таълим муассасаларини тугатлагач, иш излаб ўтирмай ўз таъаббуслари билан тадбиркорлик субъектлари ташкил этган ёшлар сифати тобора кенгайиб бораётганини қувончи ҳолдир.

ЛЕКИН тадбиркор бўлишни хоҳлаган ёшларнинг ҳаммаси ҳам соҳаларга оид қонунларни, Президентимиз фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ билади, деб бўлмайди. Шуларни ҳисобга олиб, Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходимларининг Форш туманида ёш тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқоти бўлиб ўтди.

Учрашувда мингдан ошмиқ ёшлар ва ота-оналар иштирок этдилар. Виллоят адлия бошқармаси масъуллари тадбиркорларга яратилаётган имкониятлар ва берилаётган имтиёзлар ҳақида сўзлаб, тадбиркор ва банк, солиқ, ҳисобот қабул қилувчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бу ўринда тадбиркорнинг ҳуқуқлари тўғрисида тушунчалар беришди.

Асат МУСТАФОЕВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қўйидаги нотариус лавозимларига ТАНЛОВ ЎТКАЗИШИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Андижон вилоятида
Хонобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Наманган вилоятида
Чортоқ туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сирдарё вилоятида
Ширин шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар
Сурхондарё вилоятида
Термиз шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Фарғона вилоятида
Қўқон шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Тошкент шаҳрида
Учтепа туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Учтепа туман 3-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Юнусобод туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашув учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусخаси;
3. Белгиланган шаклда тўйдирилган шахсий варақ;
4. Меънат дафтарасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабдорнинг малака имтиҳонини топирилганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўчирма (малака имтиҳонини топирилган, лекин нотариус лавозимига ўн йил мобайнида ишлаганган талабдорлар эса малака имтиҳонини қайта топирилганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан қўчирма);
6. Охириги иш жойидан берилган меънат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йиғилма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида ўн йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топирилган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2011 йил 29 декабрь)
Манзил: Тошкент шаҳри, Сайхонқўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ижки) 183, 184, 185.

Конституция сабоғи

Халқ тафаккурининг маҳсули

Бош Қомусимиз давлатни давлат,
миллатни миллат сифатида
дунёга танитмоқда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Конституциясининг қабул қилиниши халқимизнинг миллий ғурур ҳамда ифтихор туйғуларини шаклланишига, давлат инсон ҳуқуқлари ҳимоясига сифатида майдонга чиққанлиги мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрўси ошишига асос бўлди.

ДАРҲАҚИКАТ, жамиятимизнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бўлган эътибор, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, инсон ҳуқуқларини энг олий қадрият сифатида эътироф этиш каби эзгу ғоя бош мақсад этиб танланганлиги бежиз эмас. Бош қомусимизнинг 13-моддасида қайд этилишича, **“Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”**. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли олиб борилаётган ислохотлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат ва нодавлат институтларининг пайдо бўлиши ушбу меъёrlарнинг ҳаётида амалий тасдиқдир. Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқаролик жамиятини барпо этиш давлат қурилишида энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолди.

Жамиятимизда умуминсоний маънавий-маданий қадриятларнинг демократик тамойиллари фуқаролик жамияти қуриш вазифаси билан узвий тарзда ривожланиб бормоқда. Аслида ҳам шундай бўлиши керак, умуминсоний маънавий-маданий қадриятлар фақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тан олинган жамиятдагина ўз амалий ифодасини топади. Аммо бу қисқа муддатда ҳал бўладиган жараён эмас. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, барча мамлакатлар ва халқларга мос келадиган ягона, ҳаммабоп демократия модели йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шунинг учун мамлакатимиз тараққиёт йўлини танлаб олишда биринчи навбатда миллий ва умуминсоний қадриятлар муҳим омил бўлди. Улар асосида миллий ғоя яратилди.

Миллий ғоя тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни кенг омма онига синдириш, ҳар бир инсоннинг мамлакат тараққиёти жараёни иштирокчисига айлантиришда яқол намоён бўлди. Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос мус-

тақил тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу йўл жаҳонда “Ўзбек модели” деб номланиб, дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш билан ўрганилаётган ва бугунги кунда мустақиллигини қўлга киритган халқлар ўз тажрибаларида қўллаётган ривожланиш йўлидир. “Ўзбек модели”нинг бошқа моделлардан фарқи қиладиган томони шундаки, у бир ёқламалик дастур эмас, яъни унда фақатгина иқтисодий ривожланиш кўзга тутилмаган, балки кенг маънодаги миллий тикланиш ва ижтимоий тараққиёт, давлат қурилиши ва маънавиятни, бошқача айтганда, жамиятдаги барча соҳаларни қамраб олади.

Бугун юртимизнинг қай бир гўшасида бўлманг, ҳар қадамда янгилаш ва ўзгаришлар нафасини туясиз. Эзгу ниятли халқимиз ўзининг яратувчанлик ва бунёдкорлик ташаббуси билан мўъжизалар яратётгани, кайфиятидаги нурли истиқбол, келажагига ишончини кўриб, беихтиёр кўнглини кўтаринкилик ҳисси эгаллайди. Бу туйғу эса тинч юрtdа, оёйишта заминда ҳаёт кечириб, меҳнат қилаётганимиз, юртимиз тараққиётига ишончимиз мустаҳкамлигидан янада юксалади. Тинчлик, инсонпарварлик, адолатга ишонч, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги, миллий тотувлик, аждодлар хотирасини эъзозлаш, бой, миллий, маданий меросимизни асраб-авайлаш сингари умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштирган Конституциямиз эса буларнинг тамал тошидир.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз таъкидлаганларидек: **“Конституция давлатнинг қиёфаси ва нуфузини белгилаб беради. Ана шу қонунлар мажмуи орқали жаҳон давлатни давлат, миллатни миллат сифатида тан олади. Конституция халқ тафаккури ва ижодининг маҳсулидир”**.

Мамлакатимиз Конституцияси бахтимиз қомуси сифатида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва жамиятда инсоннинг қадр-қимматини улғушлашга қаратилган ҳуқуқий ҳужжат, истиқлолимизнинг ишонч пойдевори, уни тасдиқловчи тамга ва жамиятимизнинг энг олий қадрияти бўлиб қолади.

Отабек БОБОҚУЛОВ,
ТДЮИ магистри

Тураржой дахлсизлиги
Конституцияда кафолатланади

кур бўлимдан ўрин олган ҳуқуқий нормалар “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”, “Инсон ҳуқуқлари тўғрисида”ги халқаро билл”, “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт” сингари халқаро ҳуқуқий-норматив ҳужжатларга тўла мос келади. Бир-бирини тўлдирувчи моддалар орасида биргина 27-моддани олиб кўрайлик: **“Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий**

ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва тураржой дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳолатлардан ва тартибдан ташқари бировнинг тураржойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашулар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”.

Бу моддадаги ҳуқуқларимиз бевосита Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ҳамда

Жиноят кодекси билан ҳимоя қилинади. Масалан, МЖТКнинг V боби “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тажовуз учун маъмурий жавобгарлик” деб номланади. Мазкур бобда шахнинг шаъни ва қадр-қимматини камситганлик учун жавобгарлик белгиланган. Шунингдек, Жиноят кодексининг VI боби “Шахнинг озодлиги, шаъни ва қадр-қимматига қарши жиноятлар” деб номла-

нади ҳамда айнан Конституциямиз 27-моддасининг амалдаги ижросини таъминлашга ҳизмат қилади. Демак, бундай мувофиқлик инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга ҳизмат қилади. Албатта, Жиноят кодексининг 142-моддасида фуқароларнинг тураржойи дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, Конституциямизда белгиланган нормаларнинг амалдаги ижроси Ўзбекистон Республикасининг кодекслари, қонунлари, қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатлари ёрдамида тўла таъминланмоқда.

Диана АБДУРАҲМОНОВА,
Юнусобод тумани 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси



XALQ BANKI

ДАВЛАТ ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

Жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллик байрами билан барча юртдошларимизни самимий қутлайди!

Давлатимиз равнақи ва юртимиз ободлиги, халқимиз фаравонлиги, истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган самарали ишларингизда улкан зафарлар тилаган ҳолда, сизларга соғлик — омонлик, хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик ва қут-барака тилаб қоламиз.

КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТ ҚАЛБЛАРИНГИЗНИ ТАРК ЭТМАСИН!



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

Саволларга Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи Холмат САЙДАЛИЕВ жавоб беради.

1. Ҳайдовчи қондани бузмаган-ман деб, ЙПХ инспектори билан баҳслашиб қолди. Аниқроғи, инспектор томонидан тузилган баённомага имзо чекишдан бош тортиди. Бу шароитда қандай чоралар қўлланилади?

2. Қайси қондабузарлик ҳолатларида баённома тузилиб, ҳайдовчига ҳайдовчилик гувоҳнома-си (талон) қайтариб берилади?

3. Бир йил давомида ҳайдовчи уч марта йўл ҳаракати қондасини бузди. Дейлик, ҳар бир қондабузарлик турли кўринишларда содир бўлди. Бундай ҳолатларда ҳайдовчига нисбатан маъмурий жазо чораси қўлланиладими?

4. Ҳаракатланаётган транспорт воситаси тасодифан босиб мумкин бўлмаган чизикда юришга мажбур бўлди ёки ён томондаги транспорт воситаси ҳалақат қилгани учун чизикни босишга мажбур бўлди. ЙПХ инспектори транспорт воситасини тўхтатади. Ҳўш, бу ҳолатда ҳайдовчига нисбатан бирор бир эслатма ёки огоҳлантириш мавжуд қонунларда кўрсатилганми?

Йўл ҳаракати қондаларини бузган шахсларга нисбатан Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида маъмурий баённома расмийлаштиради.

Агар маъмурий баённома тузиш зарур бўлиб, уни ҳуқуқбузарлик содир этилган жойда тузиш имкони бўлма-

са, маъмурий баённома тузишга ваколати бўлган мансабдор шахс яқин орадаги ички ишлар органларида, транспорт воситаларининг тўхташ жойларида маъмурий баённомани расмийлаштириши мумкин.

Ҳуқуқбузар маъмурий баённомага ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб қўйишга, шунингдек, мазкур маъмурий баённомага имзо чекишдан бош тортиш сабабларини баён этишга ҳақлидир. Ҳуқуқбузар маъмурий баённомани имзолашдан ёки ёзма тушултириш беришдан бош тортиш тақдирда баённомага бу ҳақда уни тузган шахс томонидан ёзиб қўйилади.

Бунда гувоҳлар ёки ҳолислар иштирокида далолатнома (ҳайдовчининг содир этган ҳуқуқбузарлиги факти ва унинг маъмурий баённомага имзо қўйишдан бош тортиши ҳолати бўйича) тузилади ва маъмурий баённомага илова қилинади.

Бундай ҳолатларда маъмурий иш Ўзбекистон Республикаси Маъмурий

жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245-моддасига асосан қонун доирасида кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилади.

2 Агар жариманинг миқдори энг кам иш ҳақининг бир баробаридан ошса, маъмурий баённома расмийлаштирилади. Бунда ушбу ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзидаги жазо чораси белгиланмаган бўлса ҳуқуқбузарга ҳайдовчилик

жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245-моддасига асосан қонун доирасида кўриб чиқиш учун суд идораларига юборилади.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларнинг ўз вақтида ва тўғри кўриб чиқилиши таъминлаш, улар юзасидан чиқарилган қарорларни ижро этиш мақсадида содир этилган ҳуқуқбузарлик учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш тарзида маъмурий жазо қўлланилиши мумкин бўлса, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳнома-си олиб қўйилади ва бу ҳақда маъмурий баённомага, шунингдек, талонга ёзилиб, талон ҳуқуқбузарга қайтариб берилади.

Агар маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётган даврда тақроран транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этилганда, ҳуқуқбузарнинг талони олиниб, унга вақтинчалик рухсатнома берилади.

Ҳайдовчи вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқариш пайтида тақроран


Автотранспорт эгалари диққатига!

транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этган тақдирда унга бошқа вақтинчалик рухсатнома берилиб, унда аввалги вақтин-

да йўл белгиси таллабига риоя этмаса, светофорнинг тақиқловчи ишорасида ҳаракатланса ва белгиланган тезликка риоя этмаган бўлса, маъмурий жазо кўриш вақтида уларнинг такрорийлиги алоҳида-алоҳида кўриб чиқилади.

4 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли қарори билан тасдиқланган ва 2001 йил 1 мартдан эътиборан амалга киритилган “Йўл ҳаракати қондалари”да бундай ҳолатларнинг барчасига аниқ жавоб берилган. Жумладан, қондаларнинг “Ҳаракатланишни бошлаш, йўналишларни ўзгартириш” деб номланган 10-бандининг 10.1 қисмида: “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, қайта тизилиш, бурилиш (қайрилиб олиш), йўналишини ўзгартириш ва тўхташдан олдин ўз ҳаракати билан бошқа транспорт воситаларига хавф солмаётганлигига ва тўққинлик қилмаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак” — деб белгилаб қўйилган.

Шундай экан, бундай ҳолатларда қондани бузган ҳайдовчига нисбатан қонунда кўзда тутилган маъмурий жазо кўрилади.



Фаолият

Гаров
ишончли
бўлсин

акс ҳолда икки томон
ҳам овора-ю сарсон
бўлиши мумкин

БУГУНГИ кунда кўплаб юрtdошларимиз тадбиркорлик билан шуғуллamoқда. Бу ишбилармонлик эса қонунни яхши билишни талаб қилмоқда. Ишнинг кўзини билган тадбиркорлар ўз мол-мулкларини гаровга қўйиб банклардан кредит oлmoқда. Қонуний иш қилганлар, ўз сармояларига сармоя қўшмоқда. Қонунни билмаган фуқароларнинг овора-ю сарсон бўлиши тайин. Бу борада гаров ўзи нима деган саволга жавоб топишимиз керак. Қонун тили билан айтганда, гаров турлари мулкнинг шакли ва турига кўра закатлат, ипотека, ҳуқуқлар гарови бўлиши мумкин.

ГАРОВ ТУРИ сифатида закатлат — бу гаровга қўйилган мол-мулк гаровга қўювчидан гаровга oлувчи ихтиёрига берилadиган гаров туридир.

Масалан, фуқаро ўзига тегишли бўлган кўчар мол-мулкни oладиган қарзи ё бошқа мулккий мажбурияти эвазига гаровга oлувчи — кредитор ихтиёрига бериб қўйиши мумкин. Бу мулкнинг йўқолиши ё унга бирор тарзда шикаст етказилиши билан боғлиқ мажбурият закатлатни сакловчи зиммасида бўлади. Бу каби шартномалар оддий ёзма шаклда тузилади.

Фуқаролардан шахсий истеъmolга мўлжалланган кўчар мол-мулкни қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга қабул қилиш ихтисослаштирилган ломбардлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ипотека — бунда фақат кўчмас мулк қарз берувчининг талабларини қаноатлантириш учун гаровга қўйилади. Бинолар, иншоотлар, уй-жойлар, корхоналар, ер участкалари ва бошқа кўчмас мулк объектлари ипотека мулки бўлади.

Ипотека жисмоний ёки юридик шахсга кредит (қарз) эвазига квартира ёки уй-жой сотиб олиш, уй-жой қуриш ёки уни таъмирлаш имконини беради. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 январдаги қарори билан тасдиқланган **“Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги Низом”**да ушбу кредитни расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар ва уни бериш тартиби кўрсатилган.

Гаров шартномаси оддий ёзма, нотариал шаклда тузилади. Ипотека шартномалари ва нотариал тасдиқланган шартнома асосида вужудга келган мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан тузилган гаров шартномалари нотариал тасдиқланиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб қонуний кучга киради.

Бугунги кунда айрим юрtdошларимиз таниш-билишларининг ширин ваъдаларига учиб, уй-жойини, миниб юрган автомобилларини гаровга қўйиб банклардан катта кредитлар олишга ёрдам бераётган ҳолларни учратмоқдамиз. Кредитларни олиб бўлган, ўша “азамат” маблағни тўлашга келганда ҳар хил баҳоналар қидирмоқда. Ҳар бир фуқаро ҳаётда чув тушиб қолмаслиги учун гаров билан боғлиқ қонунларни яхши билиши лозим. Акс ҳолда...

Нодира ЭРҒАШЕВА,
Каттақўрғон шаҳар 2-сонли давлат
нотариал идорасининг нотариуси

Савол-жавоб

— Боланинг хусусий мулкка ва тураржойга бўлган ҳуқуқлари тўғрисида маълумот берсангиз.
А.НОРМУРДОВ,
Ҳамза тумани.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2008 йил 8 январдаги **“Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”**ги Қонуни болаларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш борасида амалий чора-тадбирлар яратиб бериши.

Қолаверса, Асосий қонунимиз, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда боланинг ҳимояга бўлган ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний асосда кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 148-моддасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати васийлик ва ҳомийлик органлари зиммасига юклатилган.

Бола қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин. Боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳада, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир. Шунингдек,

ҳар бир бола тураржойли бўлиш ҳуқуқига эга, мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тураржой мулкдорининг ёки тураржойини ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишидан қатъи назар, тураржой мулкдори ёки тураржойини ижарага олувчиси эгаллаб турган тураржойга нисбатан ҳуқуққа эга бўладилар. Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тураржойга бўлган ҳуқуқини ёки тураржойдан фойдаланиш ҳуқуқини саклаб қолади. Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкда ёки фойдаланишида бўлган тураржойини ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик, ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

Саволга Шайхонтохур
тумани 6-сон давлат
нотариал идораси
нотариуси
Санам АЗИМОВА
жавоб берди.

— Яқинда ер ижаралари билан боғлиқ адабиётларда “Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар” жумласига дуч келдим. Лекин, бу тушунча мен учун янгилик бўлди. Бу ҳақда қандай маълумот бера оласиз?

Фозил ҚОДИРОВ,
Яккабоғ тумани

— МАЪЛУМКИ ер тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига асосан ер фонди бир қанча тоифаларга ажратилади. Хусусан: кишлoқ ҳўжалигига мўлжалланган ерлар; аҳоли пунктларининг ерлари; саноат, транспорт, алоқа, мудофаа ва бошқа мақсадларга мўлжалланган ерлар; сув фонди ерлари; ўрмон фонди ерлари ва бошқалар. “Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлар” алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг ерлари тоифасига кириб, бундай ерлар аҳолининг оммавий дам олиши ва туризмни ташкил этиш учун тегишли муассасалар ва ташкилотларга берилади. Рекреация мақсадларига мўлжалланган ерлардан ноўрин фойдаланиш тақиқланади. Бундай ерлардан фойдаланиш тартиби қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Саволга Яккабоғ тумани 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси
Сайёра ИСМАТОВА
жавоб берди

— Меҳнат қонунчилигида 18 ёшга тўлмаган ходимларга моддий жавобгарлик масаласида енгилликлар ёки имтиёзлар берилганми?

Мафтуна АБДУЛЛАЕВА,
Қарши шаҳри

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ Меҳнат кодексининг 202-моддасида ходимнинг тўлиқ моддий жавобгарлик ҳоллари белгиланган бўлиб, унга кўра:

махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сакланишини таъминламаганлик учун;
бир галлик ҳўжжат асосида олинган қимматликларнинг сакланишини таъминламаганлик учун;
қасддан зарар етказганлик учун;
алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки токсик моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида зарар етказганда;
ҳодимнинг суд ҳўкми билан аниқланган жиноят ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда;
тижорат сирлари ошкор этилганда;
қонунларда, шунингдек, ҳўкумат қарорларида назарда тутилган ҳолларда тўлиқ жавобгарлик белгиланганда.

18 ёшга тўлмаган ходимлар эса фақат 3 та ҳолатда, яъни қасддан етказилган зарар учун; алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ёки токсик моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

Саволга Қашқадарё вилояти адлия
бошқармаси масъул ходими
Мавлуда АЗИЗОВА жавоб берди.

— Қўпчилик амнистия тушунчасини оқлаш маъносидо ҳам тушунади, шу тўғрими? Бу ҳақда батафсил маълумот берсангиз.

Сафар РАСУЛОВ,
Қарши тумани

— АМНИСТИЯ тушунчаси жиноят содир қилган шахсларни жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, тайинланган жазони енгилроғи билан алмаштириш, қўшимча жазодан озод қилиш, шунингдек, илгари суд томонидан белгиланган жазони ўтаб бўлган шахслардан судланганликни олиб ташлашни ифода этади.

Шу маънода амнистия акти жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи жиноят қонунини бекор қилмайди ёки ўзгартирмайди, шунингдек, маълум иш юзасидан чиқарилган суд ҳўкмига нисбатан норозиликни билдирмайди.

Амнистия жиноий жавобгарликдан озод қилишда мажбурий ва ҳеч бир шарт талаб этмайдиган асос бўлиб ҳисобланади.

Амнистия акти билан жавобгарликдан озод бўлиш мазкур акт қўлланилган шахсга олдинги лавозимига тикланишини ва ишда бўлмаган

вақт учун эса қўшимча ҳақ тўланишини суд тартибидо талаб қилиш ҳўқуқини бермайди.

Оқлаш, яъни реабилитация эса қўйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин: иш қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамаси ўтказилган иш бўйича жиноий ҳодиса юз бермаган бўлса;

гўмон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг қилмишида жиноят таркиби бўлмаса;

гўмон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг содир этилган жиноятга дахли бўлмаса оқлов қўлланилиши мумкин.

Шунингдек, бундай ҳолларда оқланган шахслар олдинги лавозимига тикланишини ёки ишда бўлмаган вақт учун ҳақ тўланишини суд тартибидо талаб қилишга ҳақиқат ҳисобланадилар.

Саволга Қашқадарё
вилояти адлия
бошқармаси
масъул ходими
Мунаввар БАХРИНОВА
жавоб берди.

— Битимлар агар оғзаки тарзда келишилган бўлса, қонунан тузилган, деб ҳисобланиши мумкинми? Шу тўғрисида тушунча барсангиз.

Тўлқин НОРОБЕВ,
Тошкент шаҳри

КўПГИНА юрtdошларимиз мулкларнинг олди-бердисида ўзаро оғзаки битим тузишади. Бироқ баъзан бу битимлар ўзаро келишмовчиликларга сабаб бўлади. Газетхонларга тушунарли бўлиши учун ўзим билган битта ҳолатни айтиб ўтмоқчиман.

Икки дўст — Қахрамон билан Наимжон машина бозорида “Нексия” олди-сотдиси бўйича ўзаро оғзаки битим тузишиб, олди-сотди ишларини тезда амалга ошириб қўя қолишди. Бироқ, улар ушбу келишув кейинчалик дўстлигига раҳна солиб, низо қилишга сабаб бўлишини ўйлаб ҳам кўрмаганди.

Дўстлар ўртасидаги келишилган муддат аллақачон ўтиб кетган бўлса-да, Наимжон пулни берай демади. Натижада икки дўст орасидан “ола мушук” ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 106-моддасига асосан:

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувидо ёзма шакл белгиланган бўлмаган, жумладан, у тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажарилadиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Шахсининг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

Тасдиқланган битим, агар қонун ҳўжжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, оғзаки шаклда тузилган битим ҳисобланади.

Ёзма шаклда тузилган шартномани бажаришга қаратилган битимлар, агар қонун ҳўжжатлари ва шартномага зид бўлмаса, тарафларнинг келишувига мувофиқ, оғзаки тузилиши ҳам мумкинлиги белгиланган.

Арипходжа
АГЗАМХОДЖАЕВ,
Сирғали тумани 7-сонли
давлат нотариал идораси
нотариуси

Одам савдоси —
аср муаммосиМўмай пул
илинжида

жирканч иллатга илашганлар

БУГУН инсоният шиддатли даврда, ақл ва тафаккур улкан чўққиларни зотб эътоётган замонда яшamoқда. Лекин шу билан бирга инсоният ҳаётида баъзи ижтимоий муаммолар борки, улар жаҳон аҳлини хавотирга салмоқда. Ҳозирги кунда глобал тус олган одам савдоси шундай муаммолардан биридир.

АСЛ мақсади мўмай пул илинжида инсонларни ёллаш, ташиш, яшириш, қуч ишлатиш йўли билан ўғирлаш, товламачилик, алдаш ёки заифлигидан фойдаланиб пул олиш, пул бериш ва бошқа бирор фойдани қўзлашдан иборат ушбу жиноятни бугун дунёнинг исталган минтақасида учратиш мумкин.

Олимларнинг фикрича, одам савдосининг қўйидаги белгилари мавжуд:

— жабрланувчи ўз давлати чегарасидан қонуний ёки гайриқонуний йўл билан четга чиқарилади (фақат айрим ҳоллардагина одам савдоси бир давлат ҳудудида амалга оширилиши мумкин);

— одам савдоси бошқа жиноятлар — ўғирлик, зўрлаш, ОИТС ёки бошқа таносил касалликларини қасддан юктириш, гиёҳванд моддалар қабул қилишга мажбурлаш ва бошқалар билан боғлиқ;

— жабрланувчилар иккала жинс вакили бўлиши мумкин, аммо уларнинг аксарияти аёллар ва болалардир.

Шу ўринда одам савдоси муаммосининг бугунги маънавий, ижтимоий тараққиётга салбий таъсирини, миграция жараёнларининг ўзгаришига, халқаро жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Одам савдосига қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш, оммавий ахборот воситаларида суҳбатлар уюштириш, кулликнинг бугунги муддиш оқибатларини тасвирлаб бериш ҳам самарали воситалардан саналади. Бугун аҳоли, айниқса, ёшлар ушбу жиноий қилмишнинг қурбонига айланиб қолмаслик учун эҳтиёткор бўлиши, хорижий мамлакатлардан тақлиф этилаётган ҳар қандай иш, хизматларни текшириб қўришлари, нотаниш шахсларнинг тақлифига ишонмаслик ҳамда уларга ҳўжжатларини бермаслик лозимлигини билишлари шарт. Ушбу масалада ваколатли давлат ташкилотларига мурожаат қилиш, керакли маслаҳатлар олгандан сўнг хорижга чиқиш, албатта, фуқароларнинг ҳўқуқлари кафолатланишига замин яратади.

Яна шунч ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ушбу фаолият билан шуғулланувчилар ҳамда уюшган жиноятчи тузилмаларга қарши курашиш борасидаги фаолиятини қучайтириш, мазкур жиноий қилмишларнинг юз беришига маълум даражада асосий сабабчи бўлиб қолаётган ахлоқдан бузуқ, илгари ҳам ўз хоҳиши билан хорижда бўлиб келган шахсларни аниқлаш, уларни соғлом турмуш тарзига қайтариш борасида керакли тадбирларни амалга ошириш ушбу муаммони самарали ҳал этишга катта ёрдам беради.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилган. Шу билан бирга ҳар бир фуқаронинг ҳўқуқий маданиятини юксалтириш ушбу иллатга қарши курашишда муҳим аҳамиятга эга. Бу борада халқимизнинг ҳўқуқий маданиятини юксалтиришда асрий ўзлигимиз тимсоли бўлган миллий қадриятларимиз, юксак маънавиятимизга таяниш энг оқилона йўлдир.

Тамара АЛЛАМБЕРГЕНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазирлиги масъул ходими



ҲАЁТДА ишқибозликнинг турфа хиллари учрайди. Кимдир футбол ўйинининг ашодий ишқибози. Кимдир боксга мухлислик қилади. Яна биров марка йиғади.

УЛАРНИ тушунса бўлади. Ҳўш, хорижий валютага ишқибозликни қандай тушуниш мумкин? Уларнинг муддаоси нима? Лўнда қилиб айтганда, белни огритмай, билакка зўр бермай пул топиш.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, валютага “ишқибозлик” валюта билан боғлиқ жиноятни юзага келтиради. Ноконуний йўл билан хорижий валюта олди-сотдиси билан шуғулланган шахсининг қилмиши Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан квалификация қилинади.

Амалдаги қонунчилигимизда чет эл валюта-

си билан боғлиқ барча молиявий операцияларнинг тегишли тартиби белгиланган. Чет эл валютасини қонунга ҳилоф равишда банкларни четлаб сотиш ёки сотиб олиш ҳоллари, афсуски, ҳамон учраб турибди. Бундай қилмишнинг қонунга ҳилофлигини Ҳамид Истатов яхши биларди. Бироқ у валютани ноконуний равишда олиш ва ўтказиш билан шуғулланиб келган.

ИЗОҲ: Ҳамид Истатов 1987 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1 нафар фарзанднинг отаси. Муқаддам судланмаган. Ҳеч қаерда ишламайди. “Камолот” кўчаси,

Валюта “ишқибози”

11-уйда истиқомат қилади.

Шу йил 11 август кунни чамаси соат 15:00 да Бухоро шаҳридаги “Дилқушо” бозорида Ҳамид Истатовга бир киши мурожаат қилди.

— Ака, АҚШ долларлари бор. Нарҳини келишсак сотмоқчиман.

— Ҳар бир АҚШ долларига 2500 сўмдан бераман. Рози бўлсангиз ҳозирок пулни санаб оласиз. Ўзи қанча бор?

— 3800 АҚШ долларлари, — деди сотувчи.

— Унча кўп эмас эканку. Менга ўн минг, йигирма минг доллар-

Жиноятга жазо муқаррар



қонун “тўри”га
“илинди”

дан кўрқмай гапирaverинг. Тирикчилигимиз шу, биродар.

Валюта сотувчи Равшанжон Бекназаров Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳўзуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Бухоро шаҳар бўлимига оғзаки мурожаат қилиб, “Дилқушо” бозорида “Ҳамид” исмли шахс чет эл валютасини олиш ва сотиш билан ноконуний равишда шуғулланиб келаётганилини маълум қилди. Оғзаки мурожаат

тегишли тартибда расмийлаштирилди.

Валюта қимматликларини билан ноконуний савдо қилувчи шахсларни аниқлашга қаратилган тезкор тадбир чоғида 3800 АҚШ долларининг ҳар бир долларига 2500 сўмдан ҳисоблаб, 9.500.000 сўм пулни санаб олаётган пайтда Департаментнинг Бухоро шаҳар бўлими ходимлари томонидан Ҳамид Истатов жиноят устида ушланди.

— Мен айбимга тўлиқ иқрорман. Қилмишдан чин кўнгилдан пушаймонман. Оилам, фарзандим борлигини инобатга олинглар, — деди суд тергови чоғида Ҳамид Истатов.

Валюта билан боғлиқ жиноятлар мамлакат иқтисодийётига ҳавф солиб, миллий валютамиз барқарорлигига

путур етказди. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда чет эл валютасини миллий валютага, айнаи чоғда миллий валютани чет эл валютасига алмаштириш валюта айирбошлаш шохобчаларида амалга оширилади. Чайков бозорларида гайриқонуний валютани олиш ёки ўтказишни “касб” қилиб олган Ҳамид Истатовнинг қилмиши фoш бўлди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судида унга нисбатан одилона ҳўкм ўқилди.

Лукмон ҚОДИРОВ,
жиноят ишлари бўйича
Бухоро вилояти
суди судьяси,
Валижон ЮСУПОВ,
“Инсон ва қонун”
муҳбири

Оила — ришта Боқий анъаналар Асосий қонунимизда мужассам

БУГУНГИ ютуқларимизга назар соладиган бўлсак, миллий демократик тараққиёт бардаволигини таъминлашга қаратилган барча ишловларнинг негизини Конституциямизда кўрабамиз. У фаровонлигимизни таъминлашда олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат вазифасини бажармоқда. Эътиборлиси, бу ютуқларни халққаро мутахассислар ҳам эътироф этмоқда.

ЮРТБОШИМИЗ 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, **“Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ишловлар дастурига маълум ўзгаришлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз заркор. Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади”**.

Оила халқимизда азалдан муқаддас даргоҳ ҳисобланган. Унинг шаъни ва қадри асрлар давомида эъзозланиб келинган. Оиланинг давлат муҳофазасида эканлиги Бош қомусимизда ҳам ўз аксини топган. Шундан келиб чиқиб, Конституцияда оилага тааллуқли масалаларга алоҳида боб ажратилган. Масалан, 63-моддада **“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш**

ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади” дейилган. Албатта, фарзанд оилада камол топар экан, бу бирликнинг Конституция ҳимоясида бўлиши бутун жамият тараққиётига изчил хизмат қилади. Иккинчи жиҳатдан қадим-қадимдан ўзбекон оилаларда фарзанд тарбиясига масъулият билан ёндашилгани ва ушбу анъаналарнинг боқийлигини таъминлашда 63-модданинг аҳамияти беқиёсдир. Баркамол авлод тарбияси давлат ва жамият даражасидаги вазифа саналишини ҳисобга олсак, Асосий қонунимизнинг аксарият боб ва моддалари ушбу масалага узвий боғлиқ эканлигини кўриш мумкин.

Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларни жамлаган IX боб ҳам шулар жумласидан. Ушбу бобдаги 37-моддада эркин касб танлаш, 41-моддада эса бепул билим олиш ва умумий таълим олиш ҳамда мактаб ишлари тўғрисидаги ҳуқуқлар ифодаланганки, уларнинг барчаси навқирон авлод ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз халқимизнинг фаровон турмуши учун, келажаги учун хизмат қилмоқда.

Умида ЭРГАШЕВА,
Тошкент шаҳридаги
Оила маросимлари
марказининг 1-тоифали
инспектори

МАМЛАКАТИМИЗ иқтисодиётининг асосий секторларидан ҳисобланган қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш бугуннинг долзарб масалаларидан биридир. Шу маънода, агросаноат мажмуининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини янада ошириш, фермер ҳўжаликларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш ва молиялаш борасида бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилмоқда. Натижада қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш суръати йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Биргина шу йилнинг 9 ойида соҳадаги ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,8 фоизга ошди. Шу билан бирга қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар маҳсулотлари тури кенгайиб, экспорт салоҳияти ошаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Мамлакатимизнинг нуфузли тижорат банкларида бири ОАТБ “Агробанк” ҳам истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, аграр соҳа ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Жумладан, ҳар йили пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказиш учун катта миқдорда моддий ресурс ва маблағлар ажратмоқда. Шу йилнинг ўзида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларининг энг муҳим турларини етиштириш учун эса 400 миллиард сўмдан зиёд имтиёзли кредит ажратилди ва республикада давлат режаларининг ортиги билан бажарилганини таъминлади. 2012 йилда ушбу мақсадлар учун ажратилади-

Реклама ўрнида Ишончли ҳамкор, зарур кўмакчи

ган маблағлар миқдори янада оширилиши кўзда тутилмоқда. Дехқон ва фермер ҳўжаликларини кредитлашда бўлғуси ҳосилни гаровга олиш схемаси қўлланилаётгани туфайли мулкий таъминоти етишмаётган ҳўжаликларнинг кредит олиш имконияти энгиллаштирилди. Қайта ишловчи корхоналарни молиялаштиришда эса кафилият механизми кенг қўлланилмоқда.

2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида умумий узунлиги 10530 километрдан ошди ҳўжаликларо ва ҳўжалик ичидаги коллектор-дренаж тармоқларида 59 миллиард сўмдан ортқ таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Натижада 1 миллион гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Бугунги кунда дехқон ва фермер ҳўжаликлари, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ўзларининг техник базасини янгилашда лизинг хизматларидан унумли фойдаланмоқда. Шу йил ташкил этилган “Агроминтехэкспо” кўргазма-савдоларида тузилган 28,9 миллиард сўмлик лизинг шартномалари банклар томонидан тўлиқ бажарилди. Натижада минглаб ҳўжалик ва

корхоналар замонавий мини-технологиялар билан таъминланди.

Банк филиаллари томонидан бу йил мева-сабзавот етиштириш ва иссиқхона ҳўжаликлари ташкил этишга қаратилган умумий қиймати 70,1 миллиард сўмга тенг лойиҳалар молиялаштирилди. Натижада минглаб гектар майдонларда янги боғлар ва узумзорлар пайдо бўлди — 416 та иссиқхона ташкил этилди. Банкларнинг қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янада янгилаш, корхоналарнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга йўналтирилган кредитлари эвазига мамлакатимизда 75 та қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлашда фойдаланиладиган иншоотни қуриш ва модернизация қилиш, пировардида мева-сабзавотларни экспорт қилиш ҳажмини ўтган йилнинг 9 ойига нисбатан 31,6 фоиз ўсишига шароит яратилди.

Ҳозирги пайтда банк кредитлари ва инвестициялари қишлоқ ҳўжалигининг барча тармоқларига жадал қилиб бормоқда. Тижорат банкларининг 11,6 миллиард сўм миқдоридagi кредит ресурслари асарличилиги ва балиқчиликни ривожланти-

ришга йўналтирилган. Банкларнинг кредит портфелида қорақўлчилик, чорва моллари наслини яхшилаш, уруғчилик сифатини ошириш кўзда тутилган лойиҳалар ҳам босқичма-босқич молиялаштириб борилаётганини кўриш мумкин.

Мамлакатимизда чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантиришнинг катта имкониятлари мавжуд. Ушбу ресурсларни сафарбар этиш учун тижорат банклари томонидан мазкур соҳаларга жами 188,3 миллиард сўм кредит маблағлари йўналтирилган.

Дехқон ва фермер ҳўжаликларида ажратилган жами 205 миллиард сўм кредит маблағларининг салмоқли қисми қишлоқ ҳўжалиги техникалари ва асбоб-ускуналар, уруғ ва қўчатлар сотиб олиш, ерлар унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, ўғит ва ёқилғи материаллари харид қилиш, айланма маблағларни тўлдиришга йўналтирилди.

Бундан ташқари, сўнгги пайтда банк филиалларининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарига киритаётган инвестициялари қўламини ортиб бориши кузатилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларига ажратилган

кредит маблағлари миқдори 615 миллиард сўмни ташкил этди.

Мамлакатимиз аграр сиёсати қишлоқ ҳўжалиги ва қишлоқ инфраструктурасини барқарор ривожлантириш, яъни қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий қиёфасини ўзгартириш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва самарадорлигини ошириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш ва уларнинг турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган. Шундан келиб чиқиб, тижорат банкларининг кредит сиёсатида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, уларни қайта ишловчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини энгиллаштириш, қишлоқда инфраструктура объекти қурилиши, тураржой асосий ўринини эгалламоқда. Иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, дехқон ва фермер ҳўжаликларини фаол қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан қайта таъмирлаш ва янгиларини жадал бартпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган лойиҳаларни молиявий ресурслар билан муттасил таъминлаш банкнинг асосий мақсадларидан биридир.

Банк матбуот хизмати

ДИҚҚАТ «МИКРОКРЕДИТБАНК» СЕРТИФИКАТЛАРИ!

Азиз юртдошлар!

«Микрокредитбанк» очик акциядорлик-тижорат банки ўзининг юридик шахслар учун депозит сертификатларини муомалага чиқарди.

Сертификатнинг номинал қиймати

500 000 000 (беш юз миллион) сўмни ташкил қилади.

Сертификатлар бўйича фоиз ставкаси йиллик

12 фоиз миқдорида белгиланади.

Маблағларингизни “Микрокредитбанк” депозит сертификатларига жойлаштиринг.

Мурожаат учун телефонлар: 273-05-79, 273-28-11.

«МИКРОКРЕДИТБАНК» ОАТБ СЕРТИФИКАТЛАРИНИ ЧИҚАРИШ ВА МУОМАЛАДА БЎЛИШ ТАРТИБИ

1. Сертификатнинг номинал қиймати 500 000 000 (беш юз миллион) сўм, эмиссия ҳажми 4 (тўрт) дона, жами эмиссия 2 000 000 000 (икки миллиард) сўмни ташкил қилади.
2. Сертификатлар бўйича фоиз ставкаси 12 ой муддатга йиллик 12 % миқдорида белгиланади.
3. Банк сертификатларини жойлаштириш банк ва сертификат олувчи ўртасида тузилган қимматли қоғозлар олди-сотди шартномасини расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартнома белгиланган тартибда банк томонидан рўйхатдан ўтказилади.
4. Сертификатни жойлаштиришдан аввал банк сертификат олувчини ушбу шартлар билан таништиради.
5. Банк сертификати бўйича талаб қилиш ҳуқуқи фақат юридик шахсга берилади.
6. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқининг бошқа шахс фойдасига воз кечиши сертификатнинг орқа томонида ўз ҳуқуқини бераётган (цедент) ва ушбу ҳуқуқни сотиб олаётган шахснинг (цессионарий) икки томонлама битими билан расмийлаштирилади.
7. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги битимларни амалга ошириш учун бундай битимларни амалга ошираётган юридик шахслар томонидан ваколат берилган шахслар томонидан имзоланади ва юридик шахсларнинг муҳрлари билан тасдиқланади.
8. Сертификат бўйича талаб қилиб олиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақидаги битимлар амалга оширилгандан сўнг бу ҳақда сертификат сақловчиси банкка 3 (уч) банк иш куни ичида хабар бериши шарт.
9. Сертификат олувчи томонидан олди-сотди шартномасига асосан банкнинг ҳисобварағига пул маблағлари ўтказилганидан сўнг 5 (беш) банк иш куни ичида банк сертификатлари сертификат олувчига расмийлаштирилади.
10. Сертификат бўйича депозитни талаб қилиб олиш муддати етиб келганда сертификат сақловчилари томонидан банкка тўлаб бериш учун тақдим этилган сертификатларда уларни талаб қилиш ҳуқуқи бошқа шахс фойдасига воз кечилганлиги ҳақида ёзувлар мавжуд бўлса, бунда банк сертификатининг бошқа шахс фойдасига воз кечишга доир шартномаларнинг (цессияларнинг) узлуксизлигини, шунингдек сертификат сақловчисининг охириги шартнома (цессия)даги номи, муҳри ва ваколатли шахслари имзоларининг сертификатни тўлаб беришни сўраб ёзилган аризадаги номи, муҳри ҳамда имзоларига мослигини текшириб кўради.
11. Сертификат бўйича олинаётган даромаднинг солиққа тортиш амалдаги қонунчилик ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

Талқин Кредит Олмоқчимисиз? Шартнома тузинг...

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ
шароитида кредит
шартномаси энг кўп
тузилган битимлар
сирасига киради.

БУГУНГИ кунда банк ва ҳўжалик субъекти ўртасидаги кредит муносабатлари икки томонлама тузилладиган кредит шартномаси билан расмийлаштирилади. Кредит шартномаси консенсуал шартнома саналади.

Кредитга оид банк операцияси бошқа турдаги банк операциялари сингари шахсий ва ўзаро ишончга асосланади. Шу тўғрйли банкнинг кредит олувчи мижози ўз ҳуқуқларини учинчи шахсларга ишониб тошириши (процессия шартномаси) мумкин эмас. Банк кредити шартномасининг томонлари бўлиб қарз берувчи (кредитор) ва қарз олувчи ҳисобланади.

Ҳўжалик субъектига кредит берувчи банк тегишли кредит суммасини унинг ҳисобрақамига нақд пулсиз шаклда ўтказиш йўли билан кредит беради. Кредит олувчининг ҳисобрақами кредит берувчи банкда бўлганида тегишли кредит суммаси банк ҳисобидан ўчирилиб, мижоз ҳисобрақамига келиб тушиши ўртасида вақт жиҳатидан фарқ бўлмайди. Аммо, қарз олувчининг ҳисобрақами бошқа банк муассасасида бўлган ҳолларда банкнинг кредитни ўтказиши ва тегишли суммани кредит олувчи ҳисобрақамига келиб тушиши ўртасида муайян вақт ўтади. Бундай вазиятга кредит учун фоиз ҳақ қачондан бошлаб (банк ўтказган пайтданми ёки пул мижоз ҳисобварағига келиб тушган пайтданми) ҳисобланиши лозимлиги белгиланиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Кредит шартномаси мижоз тегишли қарз суммасини олгач тузилган ҳисобланади ва шу пайтдан бошлаб қарз олувчи банк назоратидан бўйин товламаслиги, олинган кредит ва унинг учун фоиз ҳақини ўз вақтида ҳамда тўлиқ тўлаши лозим. Қарз қайтарилганлиги факти қарздор томонидан тегишли сумма банк ҳисобига ўтказилган вақт билан боғланади.

Кредит шартномаси оддий ёзма шаклда тузилади. Кредит шартномасининг предмети ва мuddати унинг муҳим шартлари бўлиб, уларсиз шартнома ҳақиқий саналмайди.

Кредит маблағларини ундириш тўғрисидаги талаблардан келиб чиқадиган низолар бўйича гаров, кафилик шартномалари ҳамда кафолат, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлардан ташқари, уларни ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида тегишли давлолар мавжуд бўлган тақдирдагина ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин.

Кредит шартномаси суд тартибидан тарафлардан бирининг талаби билан бошқа тараф томонидан шартнома шартлари жиддий равишда бузилганда ёки вазият жиддий ўзгарганда, шунингдек, қонун ёки шартномада назарда тутилган бошқа ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

Шерзодбек РАЖАБОВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

АМАЛДАГИ қонунларга мувофиқ фуқароларнинг даъво аризалари, аризалар ва шикоятларини кўриб чиқиш учун суд уларни қабул қилиш, фуқаролик ишини кўзатиш, ишни кўришга тайинлаш, керакли ҳужжатларни талоб қилиб олиш каби процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Ушбу процессуал ҳаракатлар ажрим асосида расмийлаштирилади.

ФУҚАРОЛИК процессуал ҳуқуқи назариясида суд ажрими мазмуни бўйича кириш, баён, асослангичрувчи ва хулоса қисмларидан иборат эканлиги таъкидланади. Суд ажримларининг яна шундай турлари ҳам мавжудки, улар бошқа ажримлардан ўзининг мақсади, вазифаси ва мазмуни билан ажралиб туради. Суд фуқаролик ишини кўриш давомида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот бузилганлигини ёки ташкилотларнинг ишларидаги жиддий камчиликлар мавжуд эканлигини аниқласа, Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига кўра, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга юборади.

Айтиш жоизки, хусусий ажримлар суднинг бошқа ажримлари каби расмийлаштирилса-да, лекин ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

КОРРУПЦИЯ — ҳар қандай давлатнинг сиёсий тузилиши, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасидан қатъи назар, бутун дунёда глобал муаммо ҳисобланади.

ЖУМЛАДАН, 1992 йил Италиянинг Милан шаҳрида ўтказилган "Тоza қўллар" операцияси натижасида 700 дан ортиқ бизнесмен ва сиёсий аربоб одил суд олдида жавоб берди. 1996 йил сентябрда Берлинда ўтказилган коррупцияга қарши кураш муаммоларига бағишланган конференцияда ГФР-

Мулоҳаза

Ажрим ва унинг турлари

Хусусий ажримлар қонунчиликнинг бузилиши ва низолар юзасига келиши билан ажралиб туради. Суд фуқаролик ишини кўриш давомида айрим мансабдор шахслар ёки фуқаролар томонидан қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот бузилганлигини ёки ташкилотларнинг ишларидаги жиддий камчиликлар мавжуд эканлигини аниқласа, Фуқаролик процессуал кодексининг 19-моддасига кўра, хусусий ажрим (қарор) чиқариб, уни тегишли органлар ёки мансабдор шахсларга юборади.

Айтиш жоизки, хусусий ажримлар суднинг бошқа ажримлари каби расмийлаштирилса-да, лекин ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.

қоқимияти ва ҳатто жамиятнинг маънавий инқирозига сифатида талқин этилади.

Бугунги кунда коррупция муаммосига жаҳоннинг деярли ҳар бир мамлакатидан дуч келиш мумкин. Аммо бу коррупция ҳаммаёқда бир хил деган маънони англатмайди. Коррупциянинг вуҷудга келиш сабаблари турли мамлакатларда турлича бўлиб, тарихий босқич ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси билан белгиланади. Шу боис коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам беришнинг универсал маъмурий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб



минлаш чораларини кўриши мумкин. Даввони таъминлаш чораларини кўрмаслик суд қилув қарорининг ижросини қийинлаштиради ёки уни бажариб бўлмайдиган қилиб қўйса, даввони таъминлашга йўл қўйилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Фуқаролик ишларини судда кўришга тайёрлаш ва уларни кўриш мuddатлари тўғрисида"ги 1999 йил 24

суал кодексининг 248-моддасига мувофиқ, ишни судда кўришга тайёрлаш давомида таъминлаш бўйича чоралар қўллашга ҳақли эканлиги тушунтирилган.

Биринчи инстанция судларида асосан келиб тушган даъво ариза, ариза ва шикоятларини қабул қилиш ва фуқаролик ишини кўзатиш, ишни суд муҳофазасига тайёрлаш, ишни кўриш учун тайинлаш каби суд ажримлари судьянинг ўзи томонидан чиқарилиб, яъни суд таркиби бўлмаган ҳолда, уни имзолайди. Шунингдек, иш келиб тушган пайтда даввогарнинг аризаси ёки илтимосномаси мавжуд бўлган тақдирда давлат божидан озод қилиш, давлат божини хал қилув қарори чиққунча қадар кечиктириб туриш, даввони таъминлаш мақсадида таъминлаш каби ҳаракатларни судьянинг ўзи томонидан амалга оширили-

Хориж тажрибаси

рилиши мумкин бўлган жамоат хизмати кадрларига ўз мол-мулки ва даромадлари ҳақида мустақил идораларга маълумот бериш мажбуриятини юқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бундан ташқари, давлат аппарати юқори мартабали ҳодимларининг даромадлари ва мол-мулки ҳақидаги декларациялар кенг миқёсда ошкор этилишини таъминлайдиган ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди.

ГФР тажрибасида коррупцияга таъсирчан соҳаларни аниқлаш, давлат хизматчиларини пора эвазига оғдиришда фош қилинган жисмоний ва юридик шахсларнинг маълумотлар базаларини ташкил этиш коррупциянинг олдини олишнинг энг самарали ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларидан эканлигини кўрсатди. Бу уларга янги ном билан ёки бошқа никоб остида давлат буюртмаларини олишга, бошқарув кадрларини алмаштиришга, бошқарув ҳодимлари фаолияти устидан ички назорат олиб борадиган ташки бўлинмалар ташкил этишга имкон беради.

Голландия ҳукумати коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида коррупция хатти-ҳаракатлари, шу жумладан, порахўрлик ва хизмат мавқеини суиистеъмол қилишда фош этилган давлат хизматчиларига нисбатан амалдаги Жиноят кодексига назарда тутилган жазоларни оғирлаштиришга қарор қилди. Коррупциянинг олдини олиш ва унга барҳам бериш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Фикримизча, келгусида Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши кураш тўғрисида"ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқишда, албатта, миллий менталитетни ҳисобга олган ҳолда хорижий давлатларнинг айрим тажрибаларини олиш мумкин.

Мисол учун, давлат хизматини ишга қабул қилинганда, мансаб ваколатларини амалга ошириш тўғрисида ўзининг даромадлари, мулклари ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган декларацияни тақдим этиш мажбурияти, давлат хизматини манфаатлари тўғрисидаги олдидан олишга қаратилган меъёрлар, шу жумладан, бир йўла бир неча лавозимларда ишлаш чегаралари ва бундай ҳолларда ушбу чекловларга риоя этилиши, даромадлар олиш ва тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бўйича чекловлар, маъмурий ҳужжатлар чиқариш, назорат, суриштирув ёки жазолаш вазифаларини амалга ошириш ҳамда шартномалар тузишга доир чекловлар, совғалар олиш бўйича чекловлар, реклама қилиш ва маълумотлардан фойдаланишга доир чекловлар, шунингдек, мансабдор шахс бўлган давлат хизматчиларининг юқоридagi чеклов ва таъқилларга доир мажбуриятлари ҳақидаги қоидаларни келгусида қабул қилинадиган қонун лойиҳасига киритиш мақсада мувофиқ бўлади.

Саломат НИЁЗОВА,
ТДЮи доценти, юридик
фанлари номзоди

дастури юзасига келгунча қадар гувоҳ сифатида алоҳида давлат муҳофазасига олинган биринчи шахс ҳисобланади. Бунинг учун у қамоққа олинадиган ва унинг охиригача ўша ерда яшайди. У қамоқда бошқа маҳкумлардан алоҳида сақланган.

Шундан сўнг гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича Федерал дастр — ВИТСЕК амалга татбиқ этилди. Вақт ўтиши билан ВИТСЕК дастури потенциал иштирокчилари

ши суд амалиётида кўп учрайди. Чунки судья томонидан фуқаролик ишини кўриш учун тайинланган суд мажлисининг бошланиш вақти суд таркиби билан кўрилади. Унгача бўлган ҳаракатлар судьянинг ўзи томонидан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, судьяларнинг иш ҳажми кўплиги, ишни тез, қонуний ва адолатли кўрилиши учун Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 237-моддаси, 2-қисмига тегишлича ўзгартиш киритилса ва унда ажримлар суд ёки судья томонидан алоҳида хонада (маслаҳатхонада) ушбу Кодекснинг 14 ва 204-моддаларида белгиланган тартибда чиқарилиши ва ишга қўшиб қўйилиши назарда тутилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, судья ўзи томонидан қабул қиладиган ажримлар рўйхати фуқаролик процессуал қонунчилиқда аниқ белгиланса, деган фикрда-миз. Булар эса судларда фуқаролик ишларини кўриб чиқишда янада қўлайлик яратиши мумкин, деб ўйлаймиз

Жамшид ИБРОҲИМОВ,
хуқуқшунос

Қинғир иш — келтирар ташвиш Тўғри йўлда "Тўқмоқ" йўқ

МАМЛАКАТИМИЗДА
нақд пулсиз ҳисоб-китоби амалга оширишнинг энг қўлай ва ишончли воситаси ҳисобланган пластик қарточкалардан савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг фойдаланилмоқда. Бу борадаги ишларни самарали ташкил этишда Президентимизнинг "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва ҳўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори дастуриломал бўлмоқда.

ШУ МУНОСАБАТ билан жорий йилнинг ўтган даври мубойинда Сурхондарё вилояти Давлат солиқ бошқармаси ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан жойларда 50 мартаба қисқа муддатли текшириш ўтказилди. Текширишлар давомида 103 ҳолатда тўловларни пластик қарточкалар асосида қабул қилиш қоидалари бузилиши ҳамда 13 ҳолатда фуқароларга пластик қарточкалар орқали савдонинг амалга оширилиши рад қилиш каби қонунга зид ишлар кузатилди. Қонунбузарларга нисбатан жами 529,1 миллион сўм молиявий ва 124 нафар шахсга нисбатан 7,5 миллион сўм маъмурий жарималар қўлланилди.

Ангор тумани Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан «Диярова Гулнора Мардоновна» хусусий қорхонасига қарашли «Пайнет» шохобчасида қисқа муддатли текшириш ўтказилганда, унинг хазинасида назорат-касса машинасида ўтказилмаган 965,2 минг сўм нақд пул, шунингдек, 45 нафар фуқарога тегишли пластик қарточка нақдлаштириш мақсадида сақланаётганлиги аниқланди. Шеробод туманидаги «Шохсанам Гузал-инвест» хусусий қорхонасига қарашли савдо дўконидан эса ҳисоб-китоб терминали ўрнатилмаганлиги ҳамда харидорга 6,0 минг сўмга назорат-касса машинаси чеки берилмаганлиги аниқланди. Текшириш давомида кириш ҳужжатлари бўлмаган 6553,0 минг сўмлик товарлар сотувга қўйилганлиги аниқланиб, ноқонуний товар-моддий бойликларини далайлий ашё сифатида олиб қўйилди. Терминал текшириш Тўрамухон Тўрақуловга қарашли савдо дўконидан ўтказилган текширишда эса дўкон сотувчи харидорга харид қилинган товар учун 53,5 минг сўмга назорат-касса машинаси чеки берилмаганлиги аниқланди. Савдо дўконидан 808,3 минг сўмлик ҳужжатсиз товар-моддий бойликларни олиб қўйилди. Ушбу савдо дўконидан тўлов терминалини ўрнатилиш ханузгача пайсалга солиб келинган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 119-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдордаги жарима қўлланилишига сабаб бўлди.

Улуғбек САЛОМОВ,
Сурхондарё вилояти
ДСБ масъул ходими

Гувоҳнинг юз қиёфаси ва исми

нега ўзгартирилади?



доираси кенгайтирилди ва унга мафиоз типидagi жиноятларнинг гувоҳлари билан бир қаторда, наркосиндикатлар, мотоцикл-бандалар, турма бандалари, кўча бандаси, зўравонлиқа мойил уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллари гувоҳлари ҳам киритилди.

Хозирда АҚШда бу дастурга йилга 100 миллион доллар ажратилади, ҳар бир гувоҳга зарур ҳолларда 40 минг долларгача сарфланади ва ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб, бир ярим йилгача пул билан таъминланади. Бундай маблағлар федерал суд ижрочилиқига ажратилган бюджет маблағларидан молиялаштирилади.

Гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида уларнинг шахсий маълумотларини ошкор қилишни таъқиллаш, таржимаи ҳолини ўзгартириш, ўз оиласи билан бошқа жойга қўчириб юбориш, юз қиёфасини ўзгартириш, шахсий ҳимоя воситалари бериш, қўриқчи бериш ва бошқа чоралар қўрилади. Гувоҳлар янги шариотларга қўниқиб кетиши учун уларга қўмак берувчи алоҳида ходим

ўзларига зарар етказган шахс қаерда сақланаётганлиги ва қачон озодликка чиқиши ҳақида маълумот олишлари мумкин ёки ушбу хизматдан белгиланган тартибда яширин пароль орқали рўйхатдан ўтисла, компьютер тизими автоматик тарзда унга сўралган шахс озодликка чиққанлиги ҳақидаги хабарини етказиши.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, республикада ҳам ривожланган хорижий мамлакатларнинг кўп йиллик тажрибасидан унумли фойдаланган ҳолда, уюшган жиноий гуруҳларга қарши курашда ҳуқуқни автоматик тарзда унга сўралган шахс озодликка чиққанлиги ҳақидаги хабарини етказиши.

Фарход БОЙТЎРАЕВ,
тадқиқотчи

Жиззах вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 18 ноябрь кунги 55-ум-сонли буйруғига асосан Гўлмурод туманидаги "Эни Ислоҳот" адвокатлик фирмаси адвокат Бектемиров Нурмат Нурдўлатовнинг 02.08.00038-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тўғрисида.

Реклама ўрнида

Жаннатмакон дидримиз аҳли ва меҳмонларини 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 19 йиллиги муносабати билан табриклаймиз.



ОАТ "Туронбанк"
Сизларга 2 ой муддатга БЕПУЛ "SMS Banking" хизматига уланиш ва фойдаланишни таклиф қилади. Акция 2011 йил 1 декабрдан амал қилади.

"Туронбанк" предлагает Вам подключение услуги "SMS Banking" с обслуживанием на 2 месяца БЕСПЛАТНО. Акция действует с 1 декабря 2011 года! За подключением обращайтесь к своему оператору.

Қўшимча маълумотлар ва "SMS Banking" хизматини ёқтириш учун ўз операторингизга мурожаат қилинг.
Тел: +(998 97) 700-55-55.

"Туронбанк" — Сизнинг ҳамкорингиз!

Хизматлар лицензияланган

СЎЗЛАР КАМЛИК ҚИЛГАНДА

«SMS нархида MMS» акцияси


1 ноябрдан 31 декабрга қадар тармоқ ичида чиқувчи MMS-хабар нархи SMS-хабар юбориш нархига тенг!

\$0,02 Бир MMS нархи

Изоҳ:
Акцияда «Мулоқот», «Универсал», «Эксклюзив», «Ажойиб суҳбатлар» ва «MTC VIP» тарифлари абонентлари иштирок этишлари мумкин.



бир қадам олдинда



Визитинг-саломи мўҳто: +998 97 130 09 09, 13 09 05, 03 09 05. www.mtc.uz Facebook
Тўловлар: «Тўлов» МПММ. Ўлов ҳисобиди ҳисоб қилинади. Ўловларга, барча соғинади қилинади.
Бизнинг сўзларимизда қилинар. «Аввалдан» қилинар. «Аввалдан» қилинар. «Аввалдан» қилинар.

Хизматлар лицензияланган



Хурматли юртдошлар!

“Асака” банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни билан қутлайди ва қўйидаги янги миллий валютадаги муддатли омонат туфрини таклиф этади.

“КОМУС”

Сақланиш муддати — 10 ой.

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилганда (10 ойдан сўнг) берилади.



Филиаллар	коди	телефон рақами
1. Тошкент шаҳар	371	120-83-13
2. Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3. Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
4. Юнусовод филиали	371	225-16-46
5. Сирғали филиали	371	258-67-49
6. Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7. Андижон вилояти филиали	374	224-40-96
8. Асака филиали	374	233-13-69
9. Фарҳод филиали	374	226-97-53
10. Фарғона вилояти филиали	373	224-70-83
11. Марғилон филиали	373	237-12-37
12. Олтиариқ филиали	373	432-10-11
13. Қўқон филиали	373	552-61-04
14. Наманган вилояти филиали	369	226-94-75
15. Навоий вилояти филиали	436	223-54-32
16. Зарафшон филиали	436	573-18-78
17. Бухоро вилояти филиали	365	223-71-94
18. Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
19. Самарқанд вилояти филиали	366	231-08-86
20. Афросиёб филиали	366	221-77-56
21. Қашқадарё вилояти филиали	375	221-12-93
22. Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23. Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
24. Хоразм вилояти филиали	362	226-97-78
25. Сирдарё вилояти филиали	367	225-44-03
26. Жиззах вилояти филиали	372	226-43-11

Ушбу омонат туруни банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун телефонлар:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

“Асака” банк (ОАЖ)
сармоянғизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатлар Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- эгалик ва тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- маълумотларнинг сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган.

Диққат, ёнғин хавфсизлиги ойлиги!

Хурматли ҳамюртлар!

Маълумки, қиш фаслида бошқа даврларга нисбатан фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжлари бир мунча ортиши натижасида ёнғин хавфи ҳам ортишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги 309-сонли қарорига асосан жорий йилнинг 25 ноябрдан 25 декабрга қадар республика миқёсида **“Ёнғин хавфсизлиги ойлиги”** ўтказилмоқда. Қарорда кўрсатилганидек, ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондиди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган об-

ектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Азиз ватандошлар!

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айлانسиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулк-ингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги”нинг ўтказилишида фаол иштирок этганларга олдиндан самимий миннатдорлик билдиради.

Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 11 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Фарғона шаҳридаги “Фарғона адолат тисоли” адвокатлик фирмаси (гувоҳнома FE № 000039, 29.06.2009 й.) фаолияти тугатилди.

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг 2011 йил 8 ноябрдаги 274-ум-сонли буйруғига асосан “АДВОКАТ-Т” адвокатлик бюроси адвокати Салиев Тура Кадыровичнинг адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши ва адвокатлик мақоми тугатилди.

“Инсон ва қонун” ҳуқуқий газетаси жамоаси Сирдарё вилояти “Матбуот уюшмаси” раҳбари Рашида Дадабоевага волидаи муҳтарамаси Фотима аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Юристар малакасини ошириш маркази жамоаси марказнинг катта ўқитувчиси Сайёра Ҳасимовага укаси Алишер ДАВЛЕТОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИСА:
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январьдан
нашр этилган

2007 йил 3 январь
Ўзбекистон
Матбуот ва Ахборот
санолигида
0081-роқом билан
рўйхатга олинган



Бош
муҳаррир:
Қўчқор
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Мустафасев Бўриш Мустафасевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Очилов Алижон Мухлисович

Раҳмонов Абдуқамол Шодиевич
Султонов Алимқул Топбекович
Тураев Тура Эргашевич
Сайдов Шокир Камолович

Навбатчи:
Ербек
ИСКАНДАРОВА
Саҳифаловчи:
Дизайнер:
Тўлқун
РАУПОВ

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт матбаа иқодий уйида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-3246. Тиражи — 13933.
Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 19.00

МАНЗИЛИМИЗ:
100047, Тошкент ш.
Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: info@press-iq.uz
Баҳоси келтирилган нархда
1 2 3 4 5